БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 77 (1597)
17 АПРЕЛЬ ЯҚШАНБА 1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Колхозчилар ва қишлоқ механизаторлари! Деҳқончиликда ва чорвачиликда комплекс механизацияни кенг жорий қилингиз, техникани эгаллангиз ва меҳнат унумдорлигини ошириш ва ўз меҳнатингизни енгиллаштириш учун техникадан яхшироқ фойдаланингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 май Чақириқларидан).

КОЛХОЗ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ СЕКРЕТАРИ

Шу кеча-кундузда қайси колхозга борманг, қайси далачилиқ бригадаси ва чорвачилик фермасида бўлманг, қалб ҳарорати қайнаётганлигини, ижодий меҳнат кенг қулоч отганлигини кўрасиз, ҳамманинг фикри-зикри қўкламги экишни барвақт ўтказиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш ҳамда чорвачиликнинг, маҳсулдорлигини ошириш иштиёқида эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Маълумки, колхоз партия ташкилоти омманинг булоқдек мавж ураётган ижодий ташаббусига чинакам бошчилик қилувчи, уни қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришга актив сафарбар этувчи катта кучдир. Шундай экан партия ташкилоти ишидаги муваффақият шу ташкилот секретарининг сиёсий тайёргарлигига, унинг сабот-матонати ва ишчанлик кобилиятига, ҳамма вақт омма билан яқиндан алоқада бўлиб, топширилган иш учун юксак партиявий жавобгарликни чуқур ҳис этишига боғлиқдир.

Омма орасида сиёсий раҳбар сифатида обрў-эътибор қозонган, кишиларнинг моддий турмуши ва маънавий ҳаёти тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилган, меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бориш тажрибасига эга бўлган, масалага партия ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қараб билган колхоз партия ташкилотининг секретарига колхозчиларни хўжаликни ҳар тарафлама ривожлантириш учун курашга сафарбар эта олади.

Гулистон районидаги Ленин номли колхоз кўп тармоқли хўжалик. Пахтадан муттасил мўл ҳосил етиштириб колхоз йил сайин яхши кўрсаткичларга эришаётган. Натижада артель экономикаси тобора мустаҳкамланмоқда, колхозчиларнинг ҳаёт кечириши яхшиланмоқда. Бу каттакон рўзғорнинг пахтадан ташқари ҳозирги кунда тез ривожланаётган ва хўжаликнинг сердаромад манбанга айланиб қолган қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик паррандачилик фермалари ва боғдорчилиги ҳам бор. Колхоз бу йил 2750 гектар майдонда пахта ҳосили етиштиради. Шундан 2 минг гектарига чигитни квадрат-уялаб жойлаштириш ва ҳосилини батамом машина билан териб олиш планлаштирилган. Кўкламни шайланиб кутиб олган колхоз аъзолари шу кунларда чигит экишни қисқа муддатларда тугаллаш учун қурашмоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобида 60 дан ортиқ коммунист бор. Уларнинг асосий кўпчилиги ишлаб чиқариш участкаларида. Партия бюроси ва унинг секретари Ўртоқ Р. Орифжонов коммунистларнинг сиёсий савиясини кўтариш, иқтисодий билим олишларини таъминлаш ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўртоқ Орифжонов қишлоқ хўжалик экономикасини яхши билгани, ўз партиявий бурчини чуқур ҳис этгани, сиёсий тайёргарликка эга бўлгани учун ҳам колхозчиларнинг кун сайин ўсиб бораётган ватанпарварлик ҳаракатига моҳирлик билан бошчилик қилмоқда.

Лекин колхоз партия ташкилоти секретарлари орасида чинакам сиёсий раҳбарга хос хислатларга эга бўлмаган ташаббусиз кишилар ҳам йўқ эмас. Улар қишлоқ хўжалик экономикасини яхши билмайдилар, уни ривожлантиришга етарли таъсир ўтказолмайдилар. Натижада улар раҳбарлик қилаётга хўжаликларда ҳосилдорлик камайиб кетмоқда, жамоат чорвачилиги суст ривожланмоқда.

Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз ўтган йилги шароитда ҳам планни бажармади. Бунинг натижасида колхоз иқтисодий жиҳатдан анча зарар кўрди. Колхозда бу йил ҳам кўкламги экиш суст бормоқда. Колхоз партия ташкилотининг собиқ секретари Ўртоқ Илёс Ашеров хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмагани, сиёсий жиҳатдан етарли тайёргарликка эга бўлмаганлиги ва ишни эплай олмаганлиги учун колхоз партия ташкилоти секретарлигидан озод қилинган эди. Бироқ район партия комитети бюросининг бу ўртокни райондаги бошқа бир колхоз партия ташкилоти секретарлигига тавсия этганлиги сира тушуниб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Колхоз партия ташкилоти секретарининг ишига у раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг эришган муваффақиятларига қараб баҳо берилади. Хўжаликка партиявий раҳбарлик қилиш методларини такомиллаштирмасдан туриб, колхоз партия ташкилоти секретарларининг ташкилотчилиқ ва сиёсий фаолиятини кучайтирмасдан туриб қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ҳамда чорвачилик маҳсулдорлигини оширишдан иборат катта ва мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас.

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари сиёсий раҳбар. Улар кишилар ўртасида қунт билан тарбиявий иш олиб боришлари, колхоз ишлаб чиқаришининг илғорлари билан кўпроқ маслаҳатлашиб туришлари, оммани янги вазифаларни бажаришга сафарбар этишда бутун маҳораталарини ишга солишлари, коммунистларга нисбатан талабчанликни кучайтириб, уларнинг ҳал қилувчи участкаларда шахсан намуна кўрсатиб ишлашларини таъминлашлари керак.

Ҳозирги вақтда ҳар бир колхоз партия ташкилоти ва унинг секретари зиммасида кўкламги экишни муваффақиятли ўтказиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган юксак мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишдан ҳам муҳимрок вазифа йўқ. Улар оммани уюштиришда чинакам ташкилотчи эканликларини амалда кўрсатишлари, меҳнаткашлар ўртасида қунт билан сиёсий-тарбиявий иш олиб боришлари, одамлар тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришлари лозим. Шуни унутмаслик керакки, колхозчилар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар ҳаёт билан хўжалик вазифаларини бажариш билан маҳкам боғлаб олиб борилгандагина у оммани янги зафарларга отлантиради, эришилган муваффақиятлар эса мустаҳкам бўлади.

Колхоз партия ташкилоти секретарларини танлаш ва қунт билан тарбиялаш, уларнинг ролини ошириш колхоз экономикасини тез ривожлантириш. ички резерв ларни кидириб топиш ва ундан унумли фойдаланишда уларга яқиндан ёрдам бериш район партия комитетларининг вазифасидир.

Ҳар бир колхоз партия ташкилотининг секретари сиёсий жиҳатдан етук, моҳир ташкилотчи омманинг чинакам сиёсий раҳбари бўлсин, меҳнаткашларни етти йиллигининг улуғвор вазифаларини муддатидан илгари бажариш учун курашга тўла сафарбар эта олсин. Партия ва халқ манфаатлари шуни талаб қилади.

Шонли қирқ йиллик

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Шимолий Осетия АССР ишчиларига, колхозчиларига, зиёлиларига, барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни республикада Совет ҳокимиятининг ўрнатилганига қирқ йил тўлиши муносабати билан табрикладилар.

Совет ҳокимияти йилларида, дейилади табрикномада, Шимолий Осетия АССР меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами билан туб социалистик ўзгаришларни амалга оширдилар, чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаларидан бирини ривожланган саноатга ва механизациялаштирилган йирик қишлоқ хўжалигига эга бўлган илғор индустриал-колхозлашган республикага айлантирдилар. Республикада фан, маданият, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш тез ривожланмоқда.

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Осетин халқига халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш учун, маданиятни мавж уриб яшнатиш учун, КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

РСФСР Олий Совети Президиуми, РСФСР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бўйича бюроси ҳам Шимолий Осетия меҳнаткашларига табрикнома юборди лар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Жамсарангийн Самбуни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мўғул ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик ва самарали фаолияти учун Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Жамсарангийн **Самбу Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль 1960 йил 15 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Чорвачиликни ривожлантиришдаги энг яхши кўрсаткичлар учун Қорақалпоғистон АССРга, областларга ва районларга бериладиган кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

1960 йилга Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари — Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун бир байрок, районлар учун саккиз байроқ таъсис этилсин.

Кўчма Қизил байроқлар гўшт, сут тухум ва жун етиштириш, ёш моллар олиш ва чорва молларни сақлаб қолиш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажаришда, давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш ва сотиш планини бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришганлик учун шунингдек ҳамма турдаги чорва моллар сонининг кўпайишини, чорва моллари қўлда ва яйловда боқиб семиртиришнинг энг яхши ташкил этилишини таъминлаганлик учун чорва моллари сунъий қочиришни яхши уюштирганлик, емхашак базасини мустаҳкамлаганлик учун ҳамда чорвачиликда прогрессив ва илғор методларни жорий қилганлик учун Қорақалпоғистон АССР ва областларга Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг тақдимига мувофиқ районларга эса Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва область партия комитетларининг тақдимига мувофиқ ойида бир марта берилади.

Қорақалпоғистон АССР, область ва районлар чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, давлатга топшириш ва сотиш юзасидан йиллик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганларида улар Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қизил байроқлари билан мукофотлансинлар.

Кўчма Қизил байроқларни берган вақтда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва район ижроия комитетларининг чорвачилик илғорларини мукофотлашлари учун: а) Қорақалпоғистон АССР га ва ҳар бир областга 10 минг сўм, б) ҳар бир районга 5 минг сўм миқдорида пул мукофоти берилиши белгилансин.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва районларга чорвачиликни ривожлантиришдаги энг яхши кўрсаткичлар учун кўчма Қизил байроқлар 1 квартал якунларидан бошлаб 1960 йил апрелида берилсин.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига ҳар бир областда ва Қорақалпоғистон АССР да 1960-йилнинг ҳар бир ойи якунлари бўйича, жамоат чорвачилигини ривожлантиришда энг яхши кўрсаткичларга эришган колхоз ва совхозларга бериш учун 10—15 тадан кўчма Қизил байроқ таъсис этиш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

Область партия комитети бюроси **қарор қилади:**

1. Бекобод район колхоз ва совхозларининг чигит экишни тугаллаш ҳамда эрта ундириб олиш, ғўзанинг биринчи цикл парваришини ўтказиш тўғрисида белгилаган тадбирлари ва бу соҳадаги ташаббуси маъқуллансин.

2. Шаҳар партия комитетлари ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига Бекобод районидан ўрнак олиб, чигит экишни тугаллаш ва ғўзанинг биринчи цикл парваришини ўтказиш соҳасида тадбирлар ишлаб чиқиш, бу тадбирларни колхозчиларга, совхоз ишчиларига тушунтириш ва социалистик мусобақани кенг авж олдириш йўли билан ҳамма ишларни бажаришга киришиш вазифаси юклатилсин.

* * *

Бекобод район колхоз ва совхозларининг чигит экишни тугаллаш ҳамда эрта ундириб олиш ва ғўзанинг биринчи цикл парваришини ўтказиш юзасидан белгилаган

ТАДБИРЛАРИ

КПСС Марказий Комитети декабрь (1959 йил) Пленуми қарорларидан ва майолди Чақириқларидан руҳланган, меҳнаткашларнинг улуғ доҳиси Владимир Ильич Ленининг туғилган кунига 90 йил тўлишини муносиб кутиб олиш учун қурашаётган район меҳнаткашлари 1960 йилда мамлакатга 50 минг тонна пахта етказиб бериш ва гектаридан олинадиган ҳосилни 25 центнергача етказиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун барча имкониятларга эгадирлар.

Навоий номли, «Победа», Дзержинский номли колхоз аъзолари ва 1,2-«Далварзин» совхозларининг ишчилари ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар. 1-«Далварзин» совхозининг 3-бўлимидан Мўйсин Ортиқов, «Победа» колхозидан Мамасоли Очилов ўртоқлар бошлиқ бригадалар бу йил гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Район колхозчилари, совхоз ишчилари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари донгдор пахтакор ва механизаторлар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ғанишер Юнусов ва Турсуной Охуноваларнинг чақириқларига жавобан 1960 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

Ҳосилдорликни оширишнинг асосий шарти квадрат-уялаб экишни ўз вақтида ва сифатли ўтказишдан, чигитни ёппасига ундириб олиш ва ҳамма ерда ғўзанинг биринчи цикл парваришини кучайтириб юборишдан иборатдир.

Биз, олимлар, тажрибакорлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг чигит экиш кампаниясини ўтказиш тўғрисидаги маслаҳатларига амал қилиб, бу ишни 18 апреддан кечиктирмасдан тугаллаш учун барча тадбирларни амалга оширамиз. 14300 гектар ёки умумий экин майдонининг 74,0 процентини чигитни квадрат-уялаб режа сими тортиб экамиз. Шу жумладан 1980 гектар ерга уяларга белгиланган миқдорда чигит ташлайдиган сеялка ёрдамида экамиз.

Биз, қишлоқ хўжалиги ходимлари, чигит экилган ерларда уруғликнинг униб чиқишини муттасил ва диққат билан кузатиб боришни йўлга қўямиз. Шундай қилсак, 1 Майга қадар чигитни ёппасига текис ундириб олиб, тўла гектар бўлишини таъминлаймиз.

Экишни тугаллагач фурсатни бой бермай дарҳол ғўза парваришига киришишни ўзимизнинг энг муҳим бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Агар биз 1959 йилда умумий экин майдонининг 70 процентида чигитни сув билан ундириб олган бўлсак, бу йил барча майдонда чигитни ернинг ўз намига ундириб олиш учун ҳамма чора ва тадбирларни кўрамиз. Чигит униб чиқиб, қаторлар билиниши биланоқ ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришга киришамиз. Бу йилги баҳор шароитида шундай қилиш айниқса қатта аҳамиятга эга бўлади. Қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун зигзаг бороналарни ва ротацион мотигаларни эрта тайёрлаб қўямиз.

Ҳозирги пайтда район колхоз ва совхозларида тракторларга 45 культиватор тиркалган, қолган барча культиватор ва ўғитлагичлар эса тракторлар экишдан бўшаши биланоқ уларга дарҳол тиркалади ва шу заҳотиёқ қатор ораларини ишлашга қўйилади.

Бу йил 18500 гектар майдондаги ғўза икки томонлама ишланади, 15800 гектар ердаги ғўза эса кетмонсиз, қатор оралари кенг юмшатилиб механизация воситаси билан культивация қилинади. Шу йўл билан қўл меҳнатини бир мунча камайтирамиз, пахтанинг таннархини арзонлаштиришга эришамиз.

Чигит униб чиққунга қадар йўл чеккалари ва атрофларидаги, ариқ бетларидаги бегона ўтларни доривлаб, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактик ишларни ўтказишни тугаллаймиз.

Чигит ёппасига униб чиққач, квадрат-уялаб экилган ерларда биринчи кўндалангига культивация ўтказишни ва торқаторлаб экилган ерларда ғўзани механизация воситаси билан букетировка қилишни бошлаб юборамиз, бу соҳада бирор кунни ҳам қўлдан бой бермаймиз. Шундан кейин букетларни тўғрилаймиз ва барча майдонда яганалашга киришамиз. Ғўзанинг биринчи цикл парваришини 10—15 майга қадар тугаллаймиз. 60х60 схемаси билан чигит экилган ерларда букетларни тўғрилаш вақтида ҳар бир уяда учтадан кўчат қолдирамиз ва ҳар гектар ерда 80—82 минг туп миқдорида кўчат қолишига эришамиз.

Ғўзани эрта озиқлантириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун қатор ораларини биринчи ишлаш билан айни бир вақтда ғўзани минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси билан озиқлантирамиз. Ғўзага биринчи азот ўғити беришни 5 майгача тугаллаймиз.

Бу йил 15 минг тонна пахта машинада терилади. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ бу ишга ҳар тарафлама тайёргарлик кўрмоқдамиз. Машинада териш юзасидан олинган бу мажбуриятни бажариш учун машина теримига ажратилган участкаларда зарур агротехника тадбирларини амалга оширамиз.

Районимизда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ташаббусига қўшилган 30 ўзбек қизи механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсларида ўқимоқда. Уларнинг ҳар бири 1960 йилда машина билан 100—150 тоннадан пахта теришга қарор қилдилар.

Биз Тошкент область пахтакорларини экишни эрта ва сифатли тугаллаш ҳамда уни тўла ундириб олиш ва ғўза парваришини ишларига уюшқоқлик билан киришиш учун бутун куч ва ғайратларини сарф қилишга чақирамиз.

(Бу тадбир колхозчилар ва совхоз ишчиларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган).

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги «Узобувьторг» республика конторасининг бошқарувчиси Ҳамза Иброхимович **Байгилдин** туғилган кунига 50 йил тўлганлиги муносабати билан ва кўп йил ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ж. Самбунинг Совет Иттифоқида бўлиши

Дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Мўғулистон Халқ Республикаси Олий Халқ хурали Президиумининг раиси Ж. Самбу ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар 15 апрелда Дубнадаги ядро тадқиқотлари бирлашган институтини бориб кўрдилар.

Кечқурун СССР Олий Советининг Президиуми Катта Кремль саройида Мўғулистон Халқ Республикаси Олий Халқ хурали Президиумининг раиси Ж. Самбу шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ж. Самбу билан биргаликда Мўғулистон Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. Цэнд, Мўғулистон Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси С. Лувсан, Мўғулистон Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ж. Банзар, меҳнаткашлар депутатлари Убсанур аймоғи Хуроли ижроия бошқармасининг раиси Ч. Шагдар ва дўстона Мўғулистоннинг бошқа вакиллари бор эдилар.

Қабул маросимида Совет томонидан К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, А. Н. Косигин ўртоқлар ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида К. Е. Ворошилов Ж. Самбуга Ленин ордени топширди.

К. Е. Ворошилов ва Ж. Самбу нутқ сўзладилар.

Қабул маросими ғоят самимий, қардошлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

Ж. Самбу Москвадан жўнаб кетди

16 апрелда Мўғулистон Халқ Республикаси Буюк Халқ хурали Президиумининг раиси Жамсарангийн Самбу ҳамроҳлари билан Совет Иттифоқи бўйлаб сафар қилиш учун Москвадан жўнаб кетди. У, Украина ва Белоруссияга боради, сўнгра, визит билан Варшавага жўнайди.

Внуково аэродромида Мўғулистон Халқ Республикасидан келган ҳурматли меҳмонни К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, Н. А. Муҳитдинов ва бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

К. Е. Ворошилов ва Ж. Самбу нутқ сўзладилар. (ТАСС).

Валентин Тюпко даласида

ЯНГИЙЎЛ. 15 апрель (ЎзТАГ). Мамлакатнинг донгдор механизатори Валентин Тюпко бошлиқ бригада чигит экишга киришди. Механизаторлардан Айдер Еқубов ва Афанасий Толочко ўртоқлар ўз трактор агрегатларини далаларга биринчи бўлиб чиқардилар. Чигитни белгиланган миқдорда экадиган сеялкалар ёрдами билан квадратлар ҳосил қилинмоқда.

Бригада уруғлик чигитни ўзи тайёрлаб, уни «Ташхлопкомаш» заводнинг махсус конструкторлик бюроси яратган инструментал установкада тозалади. Ғўза касалликларининг олдини олиш ва уларни зараркунандалардан сақлаш мақсадида уруғлик чигит экиш олдидан химикатлар билан дориланди. Бунинг учун Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг устахоналарида тайёрланган мосламалардан фойдаланилди. Бу эса заводларга мурожаат қилмаслик ва қўшимча харажат қилмаслик имкониятини берди.

Чигит экиш билан бир вақтда қаторларнинг ёнбош томонига минерал ўғит — гектар бошига 100 килограмм ҳисобидан аммиак селитраси солиб борилмоқда.

Экиш даврида 25 гектардан иборат массивга гербицидлар — монурон, фенурон ва диурон ҳам солиб борилмоқда.

Дастлабки мўлжалларга қараганда, экиш ишларидаги янги агрономия усуллари бригадага ҳар центнер пахта етиштириш учун қилинадиган меҳнат сарфини икки — уч киши-соатга камайтириш имконини беради.

Механизаторлар КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларига жавобан, чигит экишни олти-етти иш куни мобайнида тугаллаш мажбуриятини олдилар. Юз гектар ерга чигит экилмоқда. Бригада 135 гектар ерга маккажўхори ва беда экади. Дон учун мўлжалланган маккажўхори ҳозирдаёқ экиб қўйилди.

Область районларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида 1960 йил 16 апрелгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Чигит экиш		Маккажўхори ва оқ-жўхори экиш	
	Ҳаммаси	шу жумладан квадрат-уялаб	Ҳаммаси	шу жумладан квадрат-уялаб
Оққўрғон	47,8	48,8	53,8	43,7
Бекобод	50,7	53,8	48,2	—
Бўстонлиқ	—	—	14,4	17,0
Бўка	41,4	28,6	42,9	9,3
Юқори Чирчиқ	22,0	17,9	17,3	16,8
Гулистон	32,8	41,7	48,4	54,8
Калинин	—	—	26,4	24,4
Қуйи Чирчиқ	43,9	44,4	67,4	83,4
Орджоникидзе	32,4	21,0	34,8	18,9
Пискент	35,4	20,9	60,1	43,3
Ўрта Чирчиқ	34,3	30,3	35,6	42,9
Сирдарё	36,9	33,5	67,9	69,6
Чиноз	37,6	27,9	38,3	7,2
Янгийўл	44,8	41,7	45,5	32,0
Янгиер шаҳри	32,7	35,3	49,5	51,6
Олмалиқ шаҳри	—	—	14,4	7,1
Оҳангарон шаҳри	—	—	2,6	—
Область бўйича	38,4	37,5	41,9	40,6

КЎЗБЎЯМАЧИ

Бўка районидаги Мичурин номли колхозининг раиси ўртоқ М. Каримов квадрат-уялаб чигит экишнинг ҳикматига тушунмаётир. У район ташкилотларига «70 гектар ерга режа сими тортиб чигит экдик» деб ғирт ёлғон маълумот берган. Холбуки колхозда бир гектар ерга ҳам квадрат-уялаб чигит экилмаган. **(Мухбир хатидан).**

РАИС: рақамлардан ҳар қанча ўргилсам оз, «О» олдига «7» қўйиб юбордим-у, кўнглим тинчиди. Тўғри-нотўғрилигини ким суриштириб юрибди дейсиз! Н. Меламед чизган расм.

СССР саноати 1960 йил биринчи квартал планини муваффақият билан бажарди

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг ахборотида айтиладики, саноат ходимлари етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун авж олиб кетган социалистик мусобақа натижасида 1960 йил биринчи квартал планини муваффақият билан бажардилар.

СССР саноатида ялпи маҳсулот чиқариш плани 104 процент бажарилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йилнинг 1 кварталидагига нисбатан 11 процент кўпайди. Барча иттифоқчи республикаларнинг саноати ялпи маҳсулот ва маҳсулот муҳим хилларининг кўпчилик қисми бўйича квартал планини бажарди.

1960 йил 1 кварталида оғир саноат маҳсулотининг кўп муҳим хилларини ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди. 1959 йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулот чиқариш қуйидагича кўпайди: чўян 900 минг тоннадан кўпроқ, пўлат 1,6 миллион тонна, прокат 1,3 миллион тонна, нефть, 4,8 миллион тонна, газ 2,7 миллиард кубометр, кўмир 2,5 миллион тонна, электр энергияси 7,5 миллиард киловатт-соат, цемент 1,6 миллион тонна. Кимё саноатининг синтетик смола, пластмасса, синтетик этил спирти ва синтетик мойли кислота синтари маҳсулотларини ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Халқ истеъмоли товарлари планга қараганда кўп ишлаб чиқарилди. 1959 йилнинг 1 кварталидагига нисбатан газламалар 120 миллион квадрат-метр, чарм пойафзал 10 миллион жуфт, мебель 465 миллион сўмлик кўп ишлаб чиқарилди. Давлатнинг чорвачилик маҳсулотлари ресурслари кўпайганлиги натижасида аҳолига 1960 йил 1 кварталида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда гўшт ва гўшт маҳсулотлари 182 минг тонна, мол ёғи, суг ва бошқа сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда 425 минг тонна кўп сотилди. Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш плани 1960 йил биринчи кварталида 102 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг 1 кварталидагига нисбатан саноатнинг бир қанча тармоқларида иш куни қисқартирилганига қарамай 7 процент ўсди. (ТАСС).

СССР БИЛАН ИРОҚ ЎРТАСИДА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК

СССР билан Ироқ ўртасида маданий ҳамкорлик ҳақидаги битимга мувофиқ, иккала мамлакат ўртасида 1960 йилги маданий ва илмий ҳамкорлик плани бўйича 15 апрелда Москвада музокаралар бошланди.

Музокараларда совет делегациясига СССР Министрлар Совети чет мамлакатлар билан маданий алоқа давлат комитетининг раиси ўртоқ Г. А. Жуков бошчилик қилмоқда.

Ироқ делегациясига Ироқ Республикасининг СССРдаги элчиси Абдилваҳоб Маҳмуд бошчилик қилмоқда.

В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги олдидан

Илмий-назарий конференциялар

Ўзбекистон пойтахтининг олий ўқув юртларида В. И. Ленин туғилган куннинг тўқсон йиллигига бағишланган илмий-назарий конференциялар бошланди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида 4 апрелда илмий-назарий конференция доцент А. К. Афанасьевнинг «Ленин—Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси» деган доклади билан очилди.

Техника фанлари кандидатлари А. А. Рачинский ва Д. И. Кулагин ўртоқларнинг докладларини студентлар ва ўқитувчилар зўр қизиқиш билан тингладилар. Улар Ўзбекистонда Лениннинг ирригация ва мелиорация планининг амалга оширилиши ҳақида, революция йўлбошчиси назарий асарларининг ҳозирги замон фанини ривожлантиришдаги роли ҳақида гапириб бердилар. Конференцияда «В. И. Ленин социализмдан коммунизмга ўтиш даврида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида» деган муҳим темадаги доклад ҳам тингланди.

Ленинга бағишланган конференциялар яқин кунларда Ўрта Осиё давлат университетида, Ўрта Осиё политехника институтида, Тошкент қишлоқ хўжалик институтида, Тошкент молия-иқтисод институтида ва бошқа кўпгина олий ўқув юртларида ҳам ўтказилади. (ЎзТАГ).

В. И. Ленин Коминтернининг III конгрессида. Москва 1921 йил июнь-июль.

Шонли кунга бағишланган кинофестиваль

Пойтахтимиз, шунингдек Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларидаги кинотеатрларда улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган бадиий ва ҳужжатли хроникаль фильмлар кинофестивали ўтказилмоқда.

Кинофестивалда илгари чиқарилган «Ленин Октябрда», «Ленин 1918 йилда», «Коммунист», «Ленин ҳақида ҳикоялар», «Милтиқли киши» каби фильмларни кўрсатиш билан бирга «Польша тупроғида», «Ленин ҳақида хотиралар», «Мангу барҳаёт» каби янги ишланган фильмлар ҳам намойиш қилинаётир.

Р. МИФТАХУТДИНОВ.

Ленин яшаган жойларда

Бундан бир неча ой олдин туристик саёҳатга чиқиб, буюк доҳий Владимир Ильич Лениннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғланган қатор жойларни, музейларни кўриш шарафига муяссар бўлдим.

... Ўлмас доҳийнинг йигитлик чоғлари ўтган Куйбишев областининг Кинель районида «Ленин бурчаги» колхози бор. Бу ер собиқ Алакаевка қишлоғи бўлиб, ундаги ёғочдан ишланган бир қаватлик кенг уйда 1889 йилнинг май ойидан бошлаб В. И. Ленин яшаган. Владимир Ильичнинг онаси Мария Александровна ана шу хуторни бой ер эгаси Сибиряковдан сотиб олган. Хутор кичкинагина эди. У ер участкаси, уй, саройча, қаровсиз қолиб кетган боғдан иборат бўлган. Ёш Ленин бу ерда деҳқонлар ва уларнинг болалари билан бирга бўлар, кечқурунлари уларга савод ўргатар эди. Ўзи ҳам жуда кўп ўқир эди.

... Москвадаги революция майдонида Владимир Ильич Лениннинг Марказий музейини тамоша қилдик. Бу музей КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қарори билан 1936 йили очилган. Унинг 19 та залида 5 мингдан ортиқ ҳар хил экспонатлар тўпланган. 24 йил ичида бу музейни 20 миллиондан ортиқ киши келиб кўрди. Бу ерда сақланаётган В. И. Лениннинг шахсий буюмлари, у ёзган асарларнинг асл нусхалари, ленинча «Искра»нинг бир қанча сонлари, шунингдек совет халқининг ўз доҳисига қилган совғаларини тамошабинлар диққат билан кузатадилар.

... Марселлик икки француз йигити 10-залдаги ойналик стенд олдида бир неча минут тўхтаб қолди. Бу ерда чўян қозонча ва чойнак турибди. Булар — В. И. Лениннинг шахсий буюмлари. Доҳи ана шу буюмлардан «Разлив» станцияси яқинидаги чайлада ишлаётганида (1917 йил июль-август ойларида) фойдаланган.

— Биз шундай катта давлатнинг биринчи бошлиғининг шунчалар камтарилигидан ҳайратда қолдик, — деб ёзган ўз таассуротида франциялик бир йигит.

Кейинги кунларда музей ходимлари Владимир Ильич Лениннинг 90-йиллик юбилейига тайёрланиб, экспозицияларни бойитиш юзасидан катта ишлар қилдилар.

Мавжуд заллар ремонтдан чиқарилиб, яна янги икки зал очишга тайёрларик кўрилмоқда. Уларга улуғ доҳи васиятларининг Коммунистик партия томонидан қандай бажарилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи экспозициялар қўйилади. Москвадаги 100 дан ортиқ бинода Ленин хотираси учун мемориал тахталар ўрнатилган

Лениннинг вафоти муносабати билан боғлиқ бўлган воқеалар билан Москванинг Павелецкий вокзалида батафсил танишиш мумкин. Бу ердаги махсус павильон—музейда доҳининг жасади солинган тобутни Горкадан Москвага олиб келган паровоз ва вагон сақланмоқда. Бу тарихий вагон киши диққатини ўзига жалб этмай қолмайди. Оддий совет кишилари доҳи билан сўнгги марта видолашар эканлар, ана шу вагонга жуда кўплаб гулчамбарлар қўйишган. Бу гулчамбарлардан баъзилари ҳалигача сақланади. Уларнинг ҳаммаси халқимизнинг севимли доҳисига бўлган зўр ҳурмат ва муҳаббатини кўрсатади.

Г. НАБОИШЧИКОВ.
Куйбишев области —Москва.

«БАДИИЙ АДАБИЁТДА ЛЕНИН ОБРАЗИ»

«Ташкенткабель» заводи клуби яқинда жуда гавжум бўлди. Бу ерга завод ишчи ва хизматчилари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, ҳаммаси бўлиб 700 дан ортиқ киши тўпланди. Клубда Куйбишев районидаги 113-ўрта мактаб ўқувчилари «Бадиий адабиётда Ленин образи» деган темада адабий конференция ўтказдилар. Ўқувчилар ўзбек ёзувчиларининг Леннинга бағишланган энг яхши шеърларини ўқиб бердилар.

Х. Жалилов.

САВДОНИ ЯХШИЛАШ— БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

Савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг шаҳар активи йиғилишидан

Пойтахтимиздаги М. Горький номли театрда 14 апрелда ўтказилган савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг шаҳар активи йиғилишининг қатнашчилари жуда муҳим масалани муҳокама қилдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Қ. Муртозоев** очди. «Ўзбекистон Компартияси XV съезди қарорлари асосида савдо ташкилотлари ва умумий овқатланиш тармоқлари ходимларининг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон ССР Савдо министри **А. А. Саримсоқов** доклад қилди.

Пойтахтимизда кейинги вақтларда савдо тармоқлари ва тоҳкалари кўпайди, янги-янги магазинлар, катта гастроном ва бир талай ошхона, чойхоналар қурилди, мавжудлари эса ремонт қилинди. Сотувчисиз савдо қилиш кўлами анча кенгайди, кўчма дўкон ва лареклар сони бир қадар оширилди. Шаҳар атрофида хўжалик ва маданий моллар билан савдо қилиш сезиларли даражада яхшиланди. Савдо устидан жамоат назорати анча кучайди.

Кенгаш қатнашчилари савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналари ишидаги ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни мавжуд камчиликларни очиб ташлашга ва уларни бартараф этишга қаратдилар.

ЖИДДИЙ НУҚСОНЛАР

Савдо қилувчи ташкилотларда ҳам асосий вазифа — давлат планларининг сўзсиз бажарилишидир. Лекин республикамиз савдо ташкилотлари ўтган йили товароборот планини бажармадилар. Жумладан, Тошкент шаҳар савдо ташкилотлари ва трестлари ҳам давлатга 40 миллион сўм кам маблағ топширдилар. Шаҳар савдо ташкилотларида ўтган йилнинг сўнгги квартали ва шу йилнинг I квартал планлари бажарилган бўлсада, лекин ана шу умумий кўрсаткичлар соясида кўпгина савдо ташкилотларининг қониқарсиз ишлари беркиниб ётибди. Шаҳардаги магазинларнинг қарийб 20 процента планни бажармаётгани, худди ана шундай магазинлар сони 1-«Ташпромторг» бўйича 30 процентни ташкил қилгани жуда ачинарли ҳолдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Лекин шунга қарамай шаҳарда кенг истеъмол товарлари билан савдо қилиш талабга тўла жавоб бермайди. Шу йилнинг I кварталида сут ва қолбаса маҳсулотлари сотиш плани бажарилмади.

«Ташплодоовощчторг»нинг қониқарсиз ишлаётганлиги ҳаммага маълум. Унинг тармоқларида , картошка, сабзавот ва мева билан савдо қилиш ўрнига қанд, чой, ўсимлик мойи, вино ва бошқа маҳсулотлар сотилмоқда. Лекин бу торгнинг махсус магазинлари йўқ. Мавжуд палатка ва лареклар эса санитария ҳолати ёмон.

Аҳолининг турли саноат молларига бўлган талаби тобора ўсмоқда. Лекин Тошкент совнархози республика Министрлар Советининг 1958 йилда чиқарган «Маданий-маиший товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақида»ги қарорини кўнгилдагидек бажармаётир. Янги ҳил товарлар ишлаб чиқаришга кам эътибор берилаётир. Натижада аҳолининг талабини қондириш учун зарур бўлган товарлар бошқа республикалардан кўплаб келтирилмоқда. Вҳолонки худди шундай моллари шу ернинг ўзида, ортиқча сарф-харажатсиз чиқариш мумкин. Совнархозга қарашли саноат корхоналарининг I квартал ассортимент планини бажармаганлари жиддий эътирозга сазовордир.

Музокарада сўзлаган кўпгина савдо ходимлари, жумладан, Фрунзе райпишчеторгига қарашли 7-магазин мудири **Муҳамедов** ва I-«Ташпромторг»га қарашли 155-магазин мудири **Замураев** ўртоқлар магазинлар учун жиҳозларнинг етишмаслиги, витриналарнинг қаровсиз қолиши, аҳоли кўп талаб қиладиган товарларнинг камлиги ва айниқса болалар пойафзалининг етишмаслиги ҳақида гапирдилар. Шунингдек улар савдо системасига малакали ёшларнинг кам жалб қилиниши, юқори ташкилот раҳбарларининг жойларда бўлмасликларини танқид қилдилар. Куйбишев райпишчеторгининг директори **Ортиқхўжаев** эса савдо ходимлари ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш, коммунистик меҳнат бригадаларини кўпайтириш ва гагановачилар ташаббусини кенг ёйиш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **Каймаков** ўз нутқида кўпроқ савдо тармоқларидаги санитария аҳволига тўхталиб, жуда кўп конкрет салбий мисолларни айтиб берди.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам кенг истеъмол товарларининг етишмаслиги, айниқса ҳозирги кунда баҳор ва ёзги кийимлар кам чиқарилаётгани, магазинларнинг капитал ремонти ва янги қурилишларга зарур ёрдам берилмаётганини айтиб ўтдилар. «Узторгоборудование», «Узторгснаб» ва «Узобувторг» раҳбарлари адресига жиддий эътирозлар билдирдилар. Докладчи ва музокарада сўзлаган ўртоқлар савдо хизмати кўрсатишни яхшилашнинг асосий воситаларидан бири — савдо тармоқларини кўпайтириш кераклиги ҳақида ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАЛАБГА ТЎЛА ЖАВОБ БЕРМАЁТИР

Тошкентда умумий овқатланиш тармоқларининг аҳволи ҳали меҳнаткашлар талабига тўла жавоб бермайди. Бу тармоқларнинг айрим ходимлари меҳнаткашлар олдидаги ўз бурчларини унутиб қўймоқдалар. Шаҳардаги 123 та хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш корхонасидан 46 таси белгиланган планни бажармади. Бунинг асосий сабаби шундаки, мазкур корхоналарда таомларнинг хили кам, сифати ёмон, хўрандаларга маданий хизмат қилинмайди. Бу корхоналарда гўштдан тайёрланган қиммат баҳо таомлар бўлади, холос. Фрунзе, Куйбишев ва бошқа район ошхоналар трестларида, кўпгина завод, олий ўқув юртлари ҳузуридаги ошхоналарда иш жуда ёмон. «Тошкент» ва «Баҳор» ресторанларида қазига 20 процент ўрнига 45 процент кўшимча нарх кўйилиши мутлақо кечириб бўлмас бир ҳолдир.

Умумий овқатланиш тармоқларини янада кенгайтириш, жойларда янги-янги ошхоналарни ишга тушириш маиший хизмат кўрсатишни яхшилашнинг энг асосий воситаларидан биридир.

САВДОДАГИ ЮЛҒИЧЛАР

Савдо соҳасига жойлашиб олиб, ўз мансабини суиистеъмол қилаётган айрим юлғичлар ҳақида бир неча мисоллар келтирилди.

Жумладан, ўтган йили шаҳардаги савдо ташкилотларида 42та растрата фош қилинган. Шу йилнинг I кварталида эса шаҳар бўйича яна катта миқдорда растрата қилингани аниқланди. Айниқса Октябрь райпишчеторгидаги йирик растраталар кишини ғазаблантиради. Шунинг учун ҳам райпишчеторг директори ўринбосарлари Кукарин ва Тиллахўжаева ўртоқлар ишдан олиб ташланди. Бундан ташқари давлат савдо инспекцияси комсомол ва касаба союз активлари иштирокида «Ташхлеботорг» тармоқларида текшириш ўтказганда 60 га яқин дўкон ва лареклар савдо қоидаларининг кўпол равишда бузилаётганлиги аниқланган. Ленин район пишчеторгининг 33-магазин сотувчиси Шапиро 13 сўм 80 тийинлик товар устига 2 сўм 15 тийин ошиқча нарх кўйиб сотган. 2-«Ташпромторг»га қарашли 166-магазиннинг собиқ мудири Аганесян 25 предметдан иборат комплектли 413 та сервиздан биттадан вазани ўмариб қолиб ҳар бирини 100 сўмдан сотган.

Бундай жиноий фактларнинг содир бўлмаслиги учун кескин кураш олиб бориш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу фактлар ҳалол ишлаётган бошқа савдо ходимлари ва совет савдоси шаънига қора доғ туширимоқда.

* * *

Йиғилиш охирида Олмаота шаҳар савдо ходимлари делегацияси актив қатнашчиларига — тошкентлик ҳамкасбларига социалистик мусобақа шартномасини топширдилар. Тошкентликлар эса бу чақириқни қабул қилиб, ўз зиммаларига социалистик мажбурият олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОРИ

Виктор Иванович бугун ишга ҳар кундагидан ҳам барвақтроқ келди. Ҳа, бугунги кун одатдаги кунлардан эмас. Цех бошлиғининг қиладиган ишлари кўп. Ахир бир ёқадан бош чиқариб, баъзан ишдан кейин, баъзан эса дам олиш кунлари ҳам шу ерда қолиб, тер тўкиан коллектив бу кунни қачонлардан бери орзиқиб кутар эди-да. Ванюшин йўлда келар экан ўз режаларини яна бир бор бошдан-оёқ кўриб чиқди, хаёлан бугун қилинадиган ишларнинг ҳар бирини кўздан кечирди, ўлчади, чамалади, ҳисоблади.

Ҳаяжонланмай бўладими, ахир. Кечагина вужудга келган янги корхона бугун ўзининг биринчи маҳсулотини учирма қилади. Ҳа, бугун конвейердан эмблемасига «Тошкент трактор йиғув заводи» деб ёзилган биринчи трактор тушади.

Ана шу ширин ва ниҳоятда лаззатли хаёллар оғушида маст бўлган Ванюшин цехга кирар экан, у ердаги аҳволни кўриб хайрон қолди. У кеча ётаётганида барвақт туриб, ҳаммадан олдин корхонага бориш, қилинган ишларни бир бор кўздан кечириб, ишчилар келгунча бугунги режаларни чамалаб қўйишни ўйлаган эди. Лекин кўрсаки, бугун ишга ошиққанлар фақат унинг ўзигина эмас экан. Токарлар, слесарлар, бўёқчилар аллақачон келиб олиб, коржома ларини кийиб олишган, улар энди ўз асбобларини шай қилиб турган эдилар. Бу ҳол цех бошлиғини ҳаддан зиёд қувонтириб юборди. Нега ҳам қуёнмасин, ахир коллективнинг ҳар бир аъзоси шунчалик жон куйдириб, мўлжалланган маррага, орзу қилинган мақсадга имкони борича тезроқ етишга ҳаракат қилаяпти.

Ванюшин шу ерда ҳозир бўлганлар билан бирма-бир самимий кўришиб чиқди.

— Бу дейман, ҳаммайла кеча келишиб олганмисизлар, анча барвақт келибсизлар.

— Бугунги ишларимиз зўр, Виктор Иванович, — деди ҳамма учун жавоб бериб Рамз Қодиров.

— Тўғри айтасан, биродар. Бугун ҳар бирингиз алоҳида ғайрат билан ишлашингиз зарур. Заводимиз ўзининг янги номига яраша биринчи маҳсулотини чиқаради.

Шу ўртада цехнинг қолган ишчилари ҳам йиғилди. Ванюшин уларга қилинадиган ишлари бирма-бир тушунтирди, бугунги масъулият айниқса эўр эканлигини уқтирди.

Ҳа демай цехда қизғин меҳнат бошланиб кетди. Миқтидан келган, ўрта бўйли, сергайрат Ванюшин айниқса бугун тиниб-тинчимади.

У ҳали механика участкасига борар, бу ерда ишлаётган станокчиларга далда берар, ширин сўз билан уларнинг ғайратига — ғайрат қўшар, дам ўтмай эса йиғув участкасида пайдо бўлар эди. Бугун коллективдаги каттадан-кичиккинг ҳаммаси алоҳида бир кўтаринкилик билан, алоҳида ғайрат билан ишларди. Мана, слесарлардан Тўлаш Исмоилов, Александр Гребновлар. Улар аста-секин ҳаракат қилаётган конвейерда деталларни жой-жойга қўйиб, трактор йиғишаяпти. Ундан нарироқда эса М. Абдусатторова билан В. Изролян ўртоқлар тракторни бўяшаяпти. Ҳамманинг ҳаракати чаққон ва эпчил, ҳамма юрагдан берилиб ишлаяпти.

Цех бошлиғи конвейернинг бошидан то охиригача кўздан кечирди. Биров тракторнинг ғилдирагини, биров гильзасини, яна биров эса кожухини ўрнатмоқда. Атрофдаги тахлаб қўйилган айрим деталь ва узеллардан трактор тобора ўз қиёфасига кирмоқда.

Қўшни механика участкасидагиларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Учта станокни бошқараётган Ёқут Мирзаев ҳам, иккита станокда ишлаётган Шомил Аҳмаджонов ҳам — хуллас ҳамма қуйиб-пишиб бугунги тантана дақиқаларини яқинлаштириш мақсадида ҳалол тер тўкмоқда.

Ниҳоят кўпдан бери орзиқиб кутиб келган дамлар ҳам етиб келди. Биринчи трактор — шу коллективнинг дастлабки қалдирғоч маҳсулоти конвейердан тушди. Ҳали яқиндагина унга берилган бўёқ кўзни олгудек ялтираб турибди. Бу хушхабар участкадан-участкага, цехдан-цехга ўтиб, бир зумда бутун корхонага тарқалди. Ҳамма ҳаяжонда. Ҳаяжонланмай ҳам бўладими! Ҳозир корхонанинг ана шу дастлабки қалдиргочи синаб кўрилади. «Қандай бўларкин, унинг қисмлари тўғри йиғилганмикин, тағин ишламай қолса-я» — ана шу хаёл ҳар кимга ҳам тинчлик бермасди.

Мана Т. Кулигин тракторга чиқади. Унга шарафли вазифа — ҳозиргина конвейердан тушган машинани синаш топширилган. Шу сабабдан бўлса керак, у ҳаммадан кўпроқ ҳаяжонланар, бармоқлари эса билинар-билинмас титрарди. Кулигин педални босди, янги мотор гуруллаб ишлаб кетди. Трактор ўрнидан қўзғалиб, дарвоза томон енгилгина юриб кетди. Ҳовлига чиққач Кулигин тракторни бир айлантириб келди ва цех дарвозаси олдига келиб тўхтатди. Мотор бир текисда ишлаб турибди, тракторнинг олди томонидаги узунчоқ ингичка трубадан чиқаётган пағ-пағ оппоқ тутунни ўйноқи шамол ўз бағрига енгилгина қучиб, уни аллақаерларга олиб кетмоқда. Ҳамма катта ғалаба билан бир-бирини самимий қутлар, қизғин табрикларди. Шу ердагиларнинг барчаси ҳозиргина ҳовлини айланиб келган трактордан кўзини олмасди...

Бу воқеа шу йилнинг январь ойлари охирида рўй берди. Кечагина ўрнатилган конвейердан биринчи трактор тушган бу кун корхонадаги каттадан-кичиккинг ҳотирида умрбод колади. Шу куни республикамиздаги жуда кўп қудратли завод ва фабрикалар қаторига яна бир улкан корхона — Тошкент трактор йиғув заводи қўшилди. Бу кун янги заводнинг бунёд этилган куни бўлиб колади.

Лекин ғалаба, шу кунги қувонч, шу кунги тантана ўз-ўзидан келмади.

Ўтган йилнинг охирлари эди. Халқ хўжалиги кенгаши «Ташсельмаш» заводини фақат пахта териш машиналари ва улар учун запас қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш мақсадида ирригация машинасозлиги заводини Тошкент трактор йиғув заводига айлантиришга қарор қилди. Чунки юзлаб, минглаб чевар теримчилар биз ҳам Турсунойдек бўламиз, пахтани қўлда эмас, балки машинада терамиз, деб отилиб чиқаётган, терим ишларини комплекс механизациялаш учун бошланган кураш чинакамига умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган бир пайтда терим агрегатлари ишлаб чиқаришни бутун юраклар билан кучайтириш зарур эди. Ҳаётнинг талаби, давримиз шиори шу эди!

Совнархознинг машинасозлик бошқармасидагилар янги корхонада дастлабки тракторни январь ойидаёқ чиқариш зарурлигини айтдилар. Очиғини айтганда, ўша пайтда баъзи бир мутахассислар бундай катта ва мураккаб тадбирни шунчалик қисқа муддат ичида амалга ошириб бўлишига шубҳаланган эдилар.

— Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг,— дейишганди улар,— тез кунда 170 та асбоб-ускунани ўрнатиш, қуритиш ва бўяш камерасини қуриш ва 1500 метр узунликдаги кабелни ётқизиш, кучли компрессор станциясини йиғиш, 10 километр узунликдаги электр тармоқларини қайтадан ўрнатиш ва бошқа кўп ишларни бажариш керак. Буларнинг ҳаммаси айтишга осон. Лекин ўзи бўлмайди...

— Қийинликка-ку қийин, биз ҳам осон деяпганимиз йўқ, аммо совет кишилари уддасидан чиқа олмайдиган иш йўқ,— деб далда беришди Совнархозгдагилар. — Кўнглингизни тўқ қилиб белни маҳкам боғлаб ишга киришаберинглар, қанақанги ёрдам керак бўлса, мана биз турибмиз.

Корхонани қайта ташкил қилиш ишлари қизиб кетди. Бу ишга Халқ хўжалиги кенгашига қарашли 10 завод коллективи яқиндан ёрдам берди. Чунончи «Подъёмник» заводи 20 комплект кран балка, янги барпо этилаётган заводнинг рўпарасидаги қўшни корхона — Тошкент транспорт машинасозлик заводи 3 та ювиш машинаси, Чирчиқдаги Ўзбекистон кимё машинасозлик заводи кўприк кранлари тайёрлаб берди.

Янги корхонанинг оёққа туришида «Ташсельмаш» заводи коллективининг меҳнати айниқса катта. Ўзбекистонда дастлаб трактор ишлаб чиқаришни ана шу завод ўзлаштирди. Бу ишда ортирган тажрибасини, билими ва малакасини эндиликда у янги корхона коллективига ўргатмоқда. Жуда кўп машина ва станоклар, йиғув ва бўяш конвейерлари «Ташсельмаш» заводидан бу ерга келтирилди. Ана шу асбоб-ускуналар билан бирга 200 га яқин ишчи, 20 дан ортиқ инженер-техник ходим ҳам келди

Янги корхонани барпо этиш чинакамига ҳашар тусини олиб кетди. Иқтисодий-маъмурий райондаги ҳар бир корхона коллективи бу ишга ўз ҳиссасини, ўз улушини қўшди. Корхонани реконструкциялаш жуда қисқа муддатда ва мураккаб шароитда ўтказилди. Цех ва участкаларда айни вақтда бир неча хилдаги ишлар олиб борилди. Бир ерда қурувчилар ускуналарнинг таянчига ғишт тераётган бўлсалар, иккинчи ерда монтажчилар янги конвейер линияларини ўрнатдилар. Монтаж қилинган ускуналар пешма-пеш ишга туширилаберди. Реконструкция ишлари тугалланмасданоқ янги корхонада бўлғуси тракторларнинг дастлабки деталлари тайёрлана бошлади.

Қурилиш ишларини олиб борган 159-қурилиш трестининг бинокорлари, ускуналарни монтаж қилган «Ўзсантехмонтаж» трестининг мутахассислари, реконструкция лойиҳаларини ишлаб чиққан «Ўзгипрошахт» мутахассислари бу улкан ишга озмунча ҳисса қўшганлари йўқ.

Эндиликда дастлабки даврдаги қийинчиликлар орқада қолиб кетди. Ёш корхона оёққа мустаҳкам туриб олди. У кун сайин суръатга-суръат қўшмоқда. Трактор—пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини комплекс механизациялашнинг асосидир. Тракторларимиз қанчалик кўп бўлса, деҳқонларимизнинг оғири шунчалик енгиллашади, узоғи яқинлашади, бинобарин шонли етти йиллигимизда белгиланган юксак марраларга шунчалик тезроқ етамиз. Молани ҳам ишга соладиган, сеялка дейсизми, культиватор дейсизми — хуллас қанчадан-қанча машиналарни колхоз ва совхозларимизнинг кенг далаларида енгилгина йўрғалатиб кетадиган шу трактор. Тонна-тонна юклар ортилган прицепларни, қўша-қўша аравалар тиркалган колонналарни тортиб кетадиган ҳам шу трактор. Хуллас бу завод даргоҳида тайёрланадиган машинанинг қудрати зўр, фазилати кўп. Буни корхона коллективининг ҳар бир аъзоси жуда яхши билади. Шу сабабли ҳам ишчилар ва инженер-техник ходимлар мавжуд ишлаб чиқариш майдонлари ва асбоб-ускуналаридан тўла ҳамда унумли фойдаланиш, янги-янги резервларни ва имкониятларни қидириб топиш, иш жараёнларини тағин ҳам такомиллаштириш йўли билан ана шу қудратли машиналарни ишлаб чиқаришни кун сайин кўпайтирмоқдалар. Ленин меҳнат вахтасида туриб ишлаётган трактерсозлар шу кунгача бир неча минг машина ишлаб чиқардилар. Корхона коллективи 22 апрель кунигача тўрт ойлик планни бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Шонли етти йилликнинг иккинчи йилида бунёдга келган республикамиздаги энг кенжа бу корхонанинг истиқболи порлоқ. Етти йиллик планга мувофиқ Тошкент заводида тракторлар ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Кейинчалик бориб завод коллективи ўзиюрар шассилар тайёрлай бошлайди. Шу кунларда пахтачилик бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг ходимлари Владимиров ва Липецк тракторсозлари билан ҳамкорликда ана шу янги машина лойиҳасини яратиш устида ишламоқдалар.

Янги корхона коллективига ўз олдида турган гоят шарафли ва масъулиятли вазифаларни бажаришда янги муваффақиятлар тилаймиз.

И. СУЛАЙМОНОВ,
З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ТОШКЕНТНИ ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ ҚИЛАМИЗ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН

Мамлакатимизда совет кишиларига маданий-маиший хизмат кўрсатишга, хусусан коммунал хўжалик ишларига сарфланадиган маблағ тобора кўпайиб бормоқда.

1959 йилда Октябрь районининг ўзида ободонлаштириш ишларига 8,5 миллион сўм маблағ сарфланди. 90 минг квадрат метр жойга асфальт ётқизилди. 60 минг квадрат метр тротуар қурилди, 40 мингдан ортиқ турли дарахт кўчати ўтқазилди. Уста Ширин кўчаси очилиб, Қорасарой кўчаси билан туташтирилди. Чорсуда Охунбобоев майдони барпо этилди. Аҳолини электр нури ва сув билан таъминлаш яхшиланди.

Бу ишларни амалга оширишда саноат корхоналари, ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ва маҳаллаларнинг меҳнаткашлари актив иштирок этдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина ташкилотлар ўз маблағлари билан ўз территориялари ва унинг атрофини ободонлаштирдилар. Чунончи «Главметаллосбит» базаси коллективи ўз территориясига, Тошкент шаҳар Советининг капитал қурилиш бошқармаси Оқтепа массивида 10 минг квадрат метр жойга асфальт ётқизди. Тошкент халқ хўжалиги кенгашига қарашли трактор йиғув заводи Собир Раҳимов номли боққа ўтадиган Анхор суви устига осма темир кўприк қурди. Шунингдек, Чиғатой, «Правда», Ўзгэн, Чопонота, Новза каби маҳалла аҳолилари ариқ қазиш ишларида актив иштирок этдилар. Биргина «Правда» маҳалласининг аҳолиси 10 минг сўмлик маблағ билан битадиган тўғонни ўз кучи билан қурди.

Ўтган йили икки марта санитария-ободонлаштириш ойлиги ўтказилди. Бу ойликни ташкил қилиш ва меҳнаткашларни жалб этишда район партия ва совет активлари яқиндан ёрдам бердилар. «Ремонт механика» заводи, «Узбекгидроэнергострой» ва бошқа корхоналарнинг ишчилари айниқса бу ишда жонбозлик кўрсатдилар.

Бу йил ободонлаштириш ишлари янада авж олиб кетди. Ободонлаштиришга ажратилган маблағ 10 миллион сўмдан ошиқдир. Бундан манфаатдор бўлган аҳоли ва ташкилотлар район территориясини кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун астойдил киришдилар. Район коммунал хўжалик бўлими ободонлаштириш доимий комиссияси билан биргаликда ягона иш план тузиб, ҳар бир иш бошига район Совети депутатлари бириктириб қўйилган. Масалан, Оқтепа массивида меҳнаткашлар иштирокида 7,5 гектар ерга истироҳат боғи қурилаётир. Бунга депутат ўртоқ Мирзамуҳамедов бошчилик қилмоқда. Шунингдек, Булат, Саидаҳмедов, Нурмуҳамедов, Собиржонов каби депутатлар ўзларига бириктирилган участкаларда меҳнаткашлар ташаббусига бошчилик қилмоқдалар. Бу традицион оммавий хашарда 3-нон заводи, 2-тикув фабрикаси, район халқ маорифи ходимлари, Чопонота, Новза, Аллон маҳаллаларининг меҳнаткашлари фаол қатнашмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг ташаббуси билан районда кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича кўнгилли жамият тузилди. Жамият аъзоларининг сони кун сайин ортиб бормоқда. Буларнинг ёрдами билан ҳозирнинг ўзида талай ишлар амалга оширилди. Биргина Тошкент Чинни заводи коллективи 3 минг квадрат метрлик йўл очиб, беш юз туп дарахт ўтқазди. В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигига атаб янги хиёбон барпо этди. Кўкча даҳасидаги кўнгилли жамият маҳаллаларни сув билан таъминлаш ҳовузини яратди. «Правда», Илғор, 1-Оқлон каби маҳаллаларда 5 минг квадрат метр ерга шағал ётқизилиб янги кўчалар очилди.

Илк баҳордан бери районимизда ҳар дам олиш куни оммавий-хашар уюштирилаётир. Бу шанбаликларда райондаги пенсионерлардан Рустам Тўраев, Усмон Маҳамадалиев, Одилхон Умархонов, кекса партия аъзоси Абдурашидов каби ўртоқлар бош-қош бўлаётирлар. Мана шундай хашар йўли билан 300 минг метр ариқ тозаланди, 60 минг туп дарахт, 20 минг туп мевали дарахт ўтқазилди. Бу ишлар ҳозир ҳам қизғин давом этмоқда. Район ижроия комитетининг қарори билан 25 мартдан 25 апрелгача 1-Май олди тозалик-ободончилик ойлиги ўтқазилаётир.

Афсуски, баъзи ташкилот, маҳалла ва айрим ўртоқлар бу умумхалқ ҳаракатига яқиндан ёрдам бермаётирлар. Масалан, Онкология касалхонаси (бош врачи ўртоқ Итин), Сталин номли артель (раиси ўртоқ Мирзараҳимова), 1-туғуруқхона (бош врачи ўртоқ Умарова), Ҳасанбой маҳалласи (маҳалла комиссияси раиси ўртоқ Пўлатов), «Ривож» маҳалласи (комиссия раиси ўртоқ Умаров), («Гулобод» маҳалласи (комиссия раиси ўртоқ Мадгозиев) ариқларни ҳамон тозалаганлари йўқ. Металл-иншлар заводига қарашли Чиғатойда жойлашган цех территорияси аҳлатхонага айланиб колган.

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш каби умумхалқ ишида ҳар бир ишчи хизматчи, раҳбар ўртоқлар актив иштирок этишлари, яқиндан ёрдам беришлари лозим. Бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари энг улуғ инсон, коммунистик шанбаликларнинг буюк таргиботчиси В. И. Ленин туғилган кунни нишонлаш ва 1 Май байрамига қизғин тайёргарлик кўраётган бир пайтда шаҳримизни янада обод ва кўркам қилиш ишида актив иштирок этайлик.

Комил ФАИЗИЕВ,
Октябрь район коммунал хўжалик бўлимининг мудири.

Янги боғлар

Оржоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхозида боғдорчиликни кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Бўлимларда янги боғлар ташкил этилмоқда. Қисқа вақт ичида 50 гектарга яқин ер боғдорчиликка айлантирилди. Айниқса бу соҳада 4-бўлимда қилинаётган ишлар мақтовга сазовордир. Бўлимнинг ўртоқ Иўлдошев бошлиқ бригадаси кўпгина мевали дарахт кўчатлари ўтқазди. Ҳозир бу ерда янгидан 8 гектар ерда токзор барпо қилинди. 12 гектар ер эса мевали боққа айлантирилди. Совхоз ишчилари янги боғлардаги ниҳолларнинг яхши ўсиши учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Ғ. СОЛИҲУЖАЕВ,
Т. ОНАРБОЕВ.

ЗАВОДДА ЛЕКТОРИЙ

Тошкентдаги 1-гишт заводи касаба союз комитети ишчи ва хизматчилар талаби билан лекторий ташкил этди. Корхона ишчилари бу лекторийда «Тошкент етти йиллиқда», «Лаззатли таомлар қандай тайёрланади», «Меҳмонни қандай қабул қилиш керак», «Диний байрамларнинг келиб чиқиши», «Гипноз ва ишонтириш» каби ҳар хил қизиқарли темалардаги лекция ва суҳбатларни тингладилар. Лекциялардан сўнг темага тааллуқли ҳужжатли фильмлар ҳам кўрсатилмоқда.

Т. ЗУФАРОВ.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг баёноти

Совет мамлакатидаги тинчлик тарафдорлари Грециядаги тинчлик ва озодлик учун мардона кураш олиб бораётган кишилар ҳали ҳам таъқиб қилинаётганлигидан қаттиқ ғазабланганликларини билдирадилар. Жаҳон жамоатчилигининг талабларига қарамай, Греция олий суди Манолис Глезос ва дўстларининг Афина ҳарбий трибунали ҳукми ҳақидаги шикоят аризасини рад этди. Грек халқининг шонли фарзанди жиноятчилар қамаладиган турманинг ўлимга ҳукм қилинганлар бўлимида ётибди.

Аммо, мамлакатдаги реакцион кучлар Грециянинг миллий қаҳрамонидан воҳшиёна ўч олиш билан чекланиб қолмадилар. Асфалия Грециядаги демократик ҳаракатнинг обрўсини тўкишга уринди, 12 грек ватанпарварига қарши қалбакичилик билан янги иш қўзғади. Бу ватанпарварлар ифвогарлик мақсадида тўқилган «жосуслик қилиш»да айбланадилар. Бу ватанпарварлар орасида оккупация йилларида ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашувчиларнинг биринчи сафларида борган кишилар ҳам бор. Греция маъмурлари мамлакатда ватанпарвар кучларнинг ҳар қандай ҳаракатини бостиришга интилиб, яна сурбетларча ўзбошимчалик қилмоқдалар ва адолат ҳамда соғлом фикрни таҳқир этмоқдалар. Ҳарбий трибунал суд давомида «жосуслик» тўғрисида қўйилган айбни асоссиз деб топишга мажбур бўлса ҳам, грек ватанпарварларидан олти киши умрбод турма жазосига ҳукм қилинди.

Суднинг ўзбошимча ҳаракат қилганлигини кўрсатувчи бу янги хуруж Грециядаги муайян доиралар мамлакатдаги ва бутун дунёдаги жамоатчиликнинг қаҳр-ғазабини менсимай, тинчлик учун, демократия учун ва халқлар дўстлиги учун курашаётган демократик кучлар ҳаракатини бўғиб ташлашга уринаётганликларини яна бир марта исбот қилади.

Совет мамлакатидаги тинчлик тарафдорлари Грециядаги реакцион доираларнинг ана шу ҳаракатларини қатъий суратда қоралайдилар. Бундай ҳаракатлар «совуқ уруш» ва халқаро кескинликнинг илҳомчиларига қўл келади. Совет мамлакатидаги тинчлик тарафдорлари, бутун совет жамоатчилиги яхши ниятдаги барча кишилар билан биргаликда грек ватанпарварларининг таъқиб этилишига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирадилар ва халққа қарши қаратилган ана шу ҳаракатларга хотима берилсин, деб талаб қиладилар. Улар грек халқи эрксевар кучларининг қаҳрамонона курашини қўллаб-қувватлайдилар.

Грек ватанпарварларига озодлик!

Демократия ва тинчлик юксак идеялари тантана қилсин!

ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОВЕТ КОМИТЕТИ.

А. И. Микоянинг Ироқ Республикасида бўлиши. Суратда: А. И. Микоян ва Абдил Карим Қосим суҳбатлашмоқда. ТАСС Махсус фото мухбири В. Егоров фотоси.

Бағдоддаги совет саноат виставкасида

БАҒДОД, 14 апрель. **ТАСС махсус мухбирлари Е. Егоров ва И. Березниковский** хабар қиладилар:

Бағдоднинг Каррадат Мариям райони беш кундан бери жуда гавжум. Бу ерда Дажла дарёси қирғоғига яқин ерда совет саноат виставкаси жойлашган. Шу кунларда виставкани ўн мингларча ироқликлар — Бағдод аҳолиси ва бошқа шаҳарлардан келган кишилар тамоша қилишди. Эрталабдан қоронги тушгунча юзларча кишилар виставка дарвозаси олдида тўпланиб туришади.

Виставка экспозицияси кириш намойиш зали билан очилади. Постаментда қизил алвон фонида дунёдаги биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленининг улуғвор қомати қад кўтариб турибди. В. И. Ленин ҳайкали тепасида СССР давлат герби бор. Жимжимадор арабча олтин ҳарфлар билан: «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи» деб ёзиб қўйилган.

Виставка павильонларида одам кўп. Бу ерда Ироқ жамоатчилиги энг кенг табақалари вакилларини: ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, савдогарлар, савдо-саноат доираларининг, миллий буржуазиянинг вакиллари, дин арбобларини учратиш мумкин. Ироқнинг турли вилоятларидан келган делегацялар виставкада айрим группа бўлиб юришибди.

«Атом тинчлик иши хизматида» павильони ва совет сунъий Ер йўлдошлари ҳамда космик ракеталари намойиш қилинаётган экспозиция виставка тамошабинларининг эътиборини айниқса ўзига жалб қилмоқда. Бу ерга қўйилган чиройли диаграмма ва паннолар тамошабинларга совет халқининг илмий-техника соҳасидаги ажойиб муваффақиятлари ҳақида ёркин ҳикоя қилиб беради.

Бошқа павильонда Совет Иттифоқидаги коммунизм қурилишларининг: СССРнинг марказий районларида, Сибирда, Ўрта Осиё ва Закавказьеда қурилган гигант электростанциялар, тўғонлар, завод ва фабрикаларнинг кўпгина макетлари экспонат қилиб қўйилган.

Н. С. Хрушчевнинг Америкага қилган тарихий сафарига бағишланган чиройли фотоэкспозиция тамошабинлар эътиборини жалб қилмоқда. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва СССР ҳукумати раҳбарининг катта портрети олдида узоқ тўхтаб қолмоқдалар. Н. С. Хрушчев халқларга ва ҳукуматларга мурожаат қилиб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш юзасидан совет планини таклиф қилган эди.

Бошқа бир фотостенд Совет Иттифоқи ва Ироқ халқлари ўртасидаги дўстлик ҳақида ҳужжатлар асосида ҳикоя қилади. Бу ер ҳам жуда гавжум.

Спорт инвентари қўйилган стендлар ҳамда араб ва инглиз тилларидаги, шунингдек Закавказье ва Ўрта Осиёдаги совет республикалари халқлари тилидаги китоблар қўйилган кўпдан-кўп витриналар ёшларнинг эътиборини жалб қилмоқда. Бағдодлик аёллар совет савдо ташкилотлари етказиб берадиган хилма-хил ғазлама, мўйна, галантерия ва парфюмерия буюмларининг намуналари қўйилган витриналар олдидан кетишолмайди.

Виставка жойлашган районда ва шаҳарнинг виставкага яқин районларида оммабоп совет қўшиқлари ва Ироқ миллий куйларининг оҳанглари янграб турибди.

Виставканинг катта очиқ майдонида катта ҳажмдаги экспонатлар СССР саноати ишлаб чиқарадиган йўл-қурилиш ва қишлоқ хўжалик машиналари, хилма-хил тракторлар, электр асбоб-ускуналари, кучли насослар, юк ва енгил автомобиллар тартиб билан қўйилган. Бу ерда қишлоқ хўжалик ишчиларини, шаҳар таксисининг шоферларини, инженер-механизаторларни, турли миллий фирмаларнинг агентларини доимо учратиш мумкин.

Кези келганда айтиш керакки, ироқликлар «Волга» ва «Москвич»-енгил автомашиналарининг яхши сифатли эканлигига ҳозироқ ишонч ҳосил қилдилар: шу пайттача маҳаллий фирмалар 150 «Москвич» ва неча ўнлаб «Волга» машиналарини сотиб олдилар.

Совет машиналарининг муваффақияти шундан ҳам кўриниб турибдики, виставка очилган дастлабки икки кун ичидаёқ Ироқ фирмалари виставкага келтирилган ҳамма автомобилларни олдиндан сотиб олдилар.

Сувенирлар павильонида савдо авжга чиққан. Ироқ харидорлари совет фотоаппаратлари, авторучкаларини, Совет Иттифоқи шаҳарларининг манзаралари акс эттирилган почта открыткаларини, соат ва значокларни зўр қизиқиш билан сотиб олмоқдалар.

Қайси павильонга кирсангиз, ҳамма стендлар олдида кишилар тўпланиб турганини кўрасиз. Виставкага келган кишилар экспонатларни эътибор билан ўрганмоқдалар, таассуротларини ўртоқлашмоқдалар, таассуротлар дафтарига ўз фикрларини ёзиб қолдирмоқдалар. Ана шу дафтарни очиб кўрдик. Ироқ Республикасининг бош министри Абдил Карим Қосим биринчи бўлиб ёзиб қолдирган.

«Мен Бағдодда очилган совет виставкасини келиб кўрдим, — деб ёзади генерал Қосим. — Бу виставка буюк индустриал қувватни ва фан соҳасидаги тараққиётни ифодалайди. Дўстона совет халқига инсонят бахт-саодати йўлида янада самаралироқ муваффақиятлар тилайман».

Дафтарда оддий Ироқ тамошабинларининг юзларча ёзувлари бор. Тамошабинларнинг ҳаммаси совет фани ва техникасининг муваффақиятларидан қойил қолганликларини ёзадилар, Совет ҳукуматининг тинчлик сиёсатини ҳамда совет ва Ироқ халқлари ўртасидаги дўстликни табриклайдилар.

СССР Министрлар Совет Раисининг Биринчи ўринбосари Микоян 10 апрелда виставканинг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, виставка ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берди деб ишонч билдирган эди. Биз бу ерда кўрган ҳамма нарсалар, шубҳасиз, бу сўзларни тасдиқламоқда.

Н. С. ХРУШЧЕВ БИЛАН А. МЕНДЕРЕСНИНГ ВИЗИТ АЛМАШУВИНИ ТУРКИЯДА ТАБРИКЛАМОҚДАЛАР

АНҚАРА, 14 апрель. (ТАСС). Анқара матбуоти Совет Иттифоқи ва Туркия ҳукуматлари бошлиқларининг визит алмашувлари ҳақидаги хабарга катта эътибор беришни давом эттирмоқда. Газеталар ана шу ҳақдаги хабар бутун дунёда ижобий фикрлар туғдирганлигини таъкидлаб ўтмоқдалар. Шу кунларда Анқара газеталари Н. С. Хрушчевнинг фотосуратини ўзларининг биринчи саҳифаларида босиб чиқармоқдалар.

«Янги кун» газетаси шу нарсани уқтириб ўтадики, Мендереснинг Москвага сафар қилиши ҳақидаги хабар турк халқида ташқи сиёсат масалаларига қизиқиш туғдирдики, турк халқи ана шу масалаларга одатда эътибор бермас эди. Н. С. Хрушчев билан А. Мендереснинг визит алмашувлари ҳақидаги хабар ҳозирги вақтда сиёсий доиралардагина эмас, балки уйларда, кофехоналарда, турли халқ йиғилишларида ҳам муҳокама қилинмоқда. Ҳукмрон партия тарафдорлари ҳам, оппозиция тарафдорлари ҳам бу визит алмашуви Туркия учун манфаатлидир ва тинчлик ишига хизмат қилади, деб ҳисобламоқдалар.

Газета визит алмашувлари Ўрта Шарқдаги вазиятни соғломлаштиришга ёрдам беражагини ҳам уқтириб ўтмоқда.

ФИНЛЯНДИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XII СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 15 апрель. (ТАСС). Бугун Хельсинкида Финляндия Коммунистик партиясининг XII съезди тантанали вазиятда очилди. Маданият уйининг залида 278 делегат, 500 дан ортиқ меҳмон тўпланди. Меҳмонлар орасида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Л. И. Брежнев, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. И. Попов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. П. Терешкиндан иборат КПСС делегацияси, шунингдек Хитой Халқ Республикаси, Франция, Италия, Польша, Чехословакия, Руминия, Венгрия, Швеция, Дания, Норвегия ва бошқа мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг делегациялари бор.

Съезд Марказий Комитет фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тинглайди ва муҳокама қилади, партиянинг раҳбар органларини сайлайди ҳамда партиянинг навбатдаги муддат учун вазифаларини ва сиёсатини белгилайдиган қарор қабул қилади.

Финляндия Компартиясининг бош секретари В. Песси ҳисобот доклади қилди.

А. И. МИКОЯН Бағдоддан жўнаб кетди

БАҒДОД, 16 апрель. (ТАСС). Бағдоддаги совет саноат виставкасининг очилиши муносабати билан Ироқ Республикасига борган СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бугун эрталаб «ИЛ-18» самолётида Москвага жўнаб кетди.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

КОНАКРИ, 14 апрель. **ТАСС мухбири А. Званцов** хабар беради: кеча конференцияда музокаралар давом эттирилди. Хитой Халқ Республикаси делегациясининг бошлиғи Ляо Чен-чжи ўз нутқида шу нарсани уқтириб ўтдики, Қоҳира конференцияси бўлиб ўтган вақтдан буён халқаро вазиятда катта ўзгаришлар юз берди.

Нотиқ делегатларнинг гулдурос қарсаклари остида Пекинда Хитой ва Африка халқлари дўстлиги уюшмаси тузилажагини эълон қилди.

Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи Бандунг ва Қоҳира конференцияларининг тарихий аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Африка халқлари конференциясининг бош секретари Абдулла Диалло ёркин нутқ сўзлади.

Гарчи Осиё ва Африкада сиёсий тузумлари турлича бўлган мамлакатлар бўлса ҳам, деди Абдулло Диалло, озодлик, фаровонлик, тинчлик, бошқа мамлакатлар ва қитъалардаги халқларга нисбатан қардошлик ва бирдамлик ҳисларини ривожлантириш сари бўлган умумий интилиш ҳар икки қитъа халқларини бирлаштириб турибди.

Кечқурунгача давом этган кундузги мажлисда Шимолий Родезия, Сьерра-Леоне, Покистон, Яман, Уганда, Танганьика ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам сўзга чиқдилар.

Занзибар вакили шу нарсани уқтириб ўтдики, империализм ўз позицияларини сақлаб қолишга интилиб, мустақиллик учун бўлаётган ҳаракатни ажратиб юборишга, ўз озодликлари учун курашаётган мамлакатларнинг сиёсий ва касаба союз арбобларини сотиб олишга интилмоқда. Империалистлар Осиё ва Африка халқларини бўлиб юборишни истамоқдалар. Нотиқ Африкада ёрдамга айниқса мухтож бўлган мамлакатлар учун ёрдам фонди ташкил қилиш ҳақидаги конкрет таклифни қўйди. Бу фонд, деди, у Жазоир, Жанубий Африка Иттифоқи, Марказий Африка, Кения сингари мамлакатларда озодлик ҳаракатини ривожлантиришга ёрдам беради.

БУГУН РАССОМЛАР КУНИ

Улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленин революция, коммунизм ғояларини тарғиб қилишда тасвирий санъатнинг катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб, унинг ривожланиши тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келди.

В. И. Ленининг бу ғоялари кейинчалик Халқ Комиссарлари Советининг махсус қарори билан қувватланди ва амалга ошириш ҳақида кўрсатма берилди.

В. И. Ленин томонидан монументал пропаганда тўғрисидаги Декретнинг имзоланганлигига бугун 42 йил тўлди.

Мазкур Декрет асосида рассомлар куни нишонланмоқда.

Суратда: рассом Лутфулла Абдуллаев ўз устахонасида. В. Салов фотоси.

ДОҲИЙ ИЛҲОМИ БИЛАН

Буюк доҳимиз Владимир Ильич Ленининг номи шоирни шеър ёзишга, бастакорни қўшиқ ва музика яратишга, рассомни полотно ишлашга, хуллас ижодкорни инсонлар ичида энг инсоний кишининг образини гавдалантиришга ундайди, қалбига чексиз илҳом ва завқ бағишлайди.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев ҳам кўп вақтлардан бери В. И. Ленин образини, унинг ёркин инсоний қиёфасини акс эттирувчи асарлар яратишни орзу қилиб юрарди. Рассом доҳий туғилган куннинг 90 йиллиги олдидан ўзининг ана шу ниятини рўёбга чиқармоқда.

Мана, биз Лутфулла аканинг шинамгина устахонасидамиз.

— Дастлаб, мана шу расмларни чизган эдим, — дейди у деворга осиб қўйилган 2 та расмни кўрсатиб. — Биринчисида Владимир Ильич Туркистон делегатларини қабул қилиб турибди. Унинг ўнг томонида — Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда ажойиб ташкилотчилик кўрсатган В. В. Куйбишев ва М. Ф. Фрунзе. Улар партия ва Ленин топшириғи билан Туркистон фронтига боришларини эшитиб турибдилар. Иккинчиси эса, Ленин Мирзачўл ҳақида деб аталади.

— Мана буниси ўзимга маъқул бўлди, — дейди рассом «Туркистон делегатлари В. И. Ленин ҳузурида» номли расмининг янги бир нусхасини кўрсатар экан.

Туркистонлик делегатлар—ўзбек, тожик, қозоқ туркман халқининг вакиллари Москвага, буюк доҳий ҳузурига борганларида, ўзбек ишчиси ва деҳқони Владимир Ильичга ўзбек одати бўйича тўн ва дўппи кийгизадилар. Рассом кўп изланишлардан кейин ўз асарида ана шу моментни ифодалашни маъқул кўрган ва ниҳоят бунга эриша олган. Расмда делегатлар энг камтар ва ғамхўр кишига меҳр билан боқиб турибдилар. Ўртада юзида табассум жилва қилган Владимир Ильич. Ўзбек ишчиси унга тўн кийгизмоқда, кекса деҳқон эса унинг бошига чуст дўппини кийгизиш учун ҳозирлаб турибди. Расм композиции жиҳатдан ҳам жуда пухта.

Талантли рассом туркистонлик аёлларнинг В. И. Ленин ҳузурида бўлиши тўғрисида ҳам асар яратди. 1922 йилда Шарқ хотин-қизларининг II Бутуниттифоқ кенгашига қатнашиш учун Туркистон хотин-қизлари делегацияси ҳам Москвага борган эди. Уларни В. И. Ленин қабул қилган. Расмда делегация аъзоси Шамсиқамар Ғойибжонованинг доҳий билан кўришаётгани акс эттирилган. Ўзбек қизи Владимир Ильичга бутун Туркистон хотин-қизларига қилган ғамхўрлиги, уларни ўтмишнинг даҳшатли кишанидан озод этиб, порлоқ ҳаёт, ёркин истиқбол сари йўллагани учун чексиз миннатдорчилигини изҳор этмоқда. Асарда В. И. Ленин образи тўғри талқин этилган. Биз уни халқларнинг буюк ғамхўри, устози, ғоят самимий киши сифатида кўрамиз.

Автор бу расмларни келгусида катта полотно қилиб ишлаш тараддудида.

Л. Абдуллаевнинг «В. И. Ленин», «В. И. Ленин Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақида» номли янги расмлари ҳам рассомнинг доҳий туғилган куннинг 90 йиллигига тайёрлаган совғаларидандир. Автор бу расмда Ленин ғояларининг ўлмаслиги, ҳаётийлигини акс эттиришга ҳаракат қилган. Рассомнинг бу янги расмлари Ленинга бағишланган асарлар виставкасида намойиш қилинади.

М. АҲМЕДОВ.

Ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб...

Тасвирий санъат асари, хоҳ у пейзаж, хоҳ картина, хоҳ портрет бўлсин барибир тамошабинга манзур бўлса, унинг қаршисида узоқ тикилиб қолади. Бу табиий. Нега деганда рассом шу асарларга ўз қалб ҳароратини, фикр-зикрини қўшган.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми У. Тансиқбоевнинг «Жонажон ўлка», «Иссиқ кўл оқшоми» ва «Қайроққум ГЭСининг тонги» деган йирик картиналари ишланиши ва мазмуни билан кўпчиликка манзур бўлди. Чунки бу асарларда рассомнинг темага ижодий ёндошиши, табиат манзараларига мос бўёқларнинг ўз ўрнида ишлатиш маҳорати яққол кўзга ташланади.

Ёки ўзбек тамошабиларига ўзининг ажойиб таланти билан манзур бўлиб келаётган рассом В. И. Уфимцев асарларини олиб кўрайлик. Рассом тарихий темада ҳам, замонавий темада ҳам кўпгина мазмундор асарлар яратди.

Рассомларимиз томонидан етти йиллик қаҳрамонларига бағишланган дастлабки асарлар ҳам яратилди. Лекин шунга қарамай рассомларимиз, биз тамошабинлар олдида ҳамон катта қарздор бўлиб қолмоқдалар. Замонамизнинг энг яхши кишилари образлари акс эттирилган йирик полотнолар ҳали кам, олинган темалар айрим ҳолларда ҳар томонлама бадиий пухта талқин этилмаяпти.

Шунингдек, идеор ўзбек хотин-қизларининг меҳнат картиналарини акс эттирувчи полотнолар жуда-жуда оз, борлари ҳам бадиий умумлашмалардан ҳоли бўлиб, тамошабинда кучли таассурот қолдирмайди. Истар эдикки, замонамиз қаҳрамонлари образлари рассомларимиз ижодидан кенг ўрин олсин.

Мукамбар АЛИЕВА,
Тошкентдаги 153- ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

Ҳинд хотин-қизлари Ўзбекистон билан танишмоқдалар

Хотин-қизларнинг халқаро учрашувида қатнашиш учун Копенгагенга бораётган ҳинд хотин-қизлари делегацияси республика пойтахтида меҳмон бўлиб турибди.

Ҳиндистондан келган меҳмонлар 15 апрелда Тошкентдаги диққатга сазовор жойларни тамоша қилдилар, унинг саноати, маданий-оқартув, медицина ва болалар муассасалари билан танишдилар. Улар тўқимачилик комбинатида бир неча соат бўлдилар.

Тушдан кейин делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова қабул қилди. У меҳмонларга республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши тўғрисида, Ўзбек хотин-қизларининг ҳаёти ҳақида сўзлаб берди, ҳинд хотин-қизларига тараққиёт ва бутун дунёда тинчлик йўлидаги курашда янада муваффақиятлар тилади.

Суҳбат вақтида республика министрликларида, совет ва жамоат ташкилотларида масъул вазифаларда ишлаётган бир группа хотин-қизлар ҳозир бўлдилар. Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамияти Ўзбекистон бўлими правлениесининг раиси Зулфия делегация аъзоларини табриклаб нутқ сўзлади.

Ҳинд хотин-қизларига эсдалик совғалари тақдим этилди. (ЎзТАГ)

Узоқдаги дўстим, қўлингни бер!

15 апрелда Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг муҳим воқеаси — Африка озодлиги кунига бағишланган кўп кишилик йиғилиши бўлди.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиуми раисининг ўринбосари Г. Ғуломова йиғилишни очиб, «Африка халқларининг озодлик ва мустақиллик учун кураши» деган темада доклад қилиш учун Ўрта Осиё Давлат университети ректори О. Содиқовга сўз берди. Докладчи Африка халқларининг мустамлакачиликка қарши, озодлик, демократик ва бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган қаҳрамонона кураши ҳақида батафсил гапирди.

Йиғилишда Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультетининг студенти Р. Бобожонов, Тошкент тўқимачилик комбинати тўқув цехининг мастери Г. Йўлдошева ва Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультетининг декани Л. Мақсудовлар сўзга чиқди. Нотиқлар Африка халқларининг орзу-ниятлари Ўзбекистон меҳнаткашларига яқин ва тушунарли эканлигини айтдилар.

Йиғилиш қатнашчилари номидан Қоҳирага Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги комитетининг Доимий секретариати номига табрик телеграммаси юборилди. (ЎзТАГ).

Помидор кўп бўлади

Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашни кучайтирдилар. Бу соҳада айниқса, Б. Бойқўзиев ва Ж. Раҳимбердиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари намунали ишламоқдалар. Колхозчилар ҳар гектар ердан 250 центнердан помидор ҳосили етиштириш мажбуриятини олдилар. Бу ўтган йилга нисбатан гектар бошига 60 центнердан кўпдир. Ҳозир ҳар икки бригада помидор кўчатлари экишга киришди.

Э. ТУРКМЕНОВ,
В. ҚОДИРОВ.

Телевизор экранида

17 АПРЕЛДА

12.00. Тошкент шаҳар бадиий ҳаваскорлари кўригининг сўнгги концерти Навоий номли театрдан олиб кўрсатилади.

Шундан кейин «Физкультура билан шуғулланинг» деган эшиттириш.

19.00. «Бизнинг Ильич» деган телеочерк (ўзбек тилида).

19.20. Кинофильм — «Дам олиш кунимиз қачон?».

19.40. Сўнгги ахборот.

20.00. Ўзбек куйларидан концерт.

20.40. Бадиий фильм — «Капитан қизи».

18 АПРЕЛДА

19.30. Ўзбек тилида Октябрятлар концерти.

20.00. Сўнгги ахборот

20.20. Киножурнал.

20.30. Саноат ходимлари учун рус тилида эшиттириш: «Ленин бизнинг ишларимизда барҳаёт».

20.50. Рус тилида телепостановка — «Аппассионата».

21.15. Ҳужжатли фильм — «СССР Олий Совети делегацияси Индонезияда».

21.35. «Совет Ўзбекистони хотин-қизлари» тележурнали.

Бу кекса аёл — Татьяна Марковна Арская Чирчиқ шаҳрида 26 йилдан бери кутубхоначи бўлиб ишлайди. Шундан 20 йилини у қуйи Комсомольскдаги кутубхонада ўтказган. Арская ўз вазифасини бажаришдан ташқари аҳоли ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини ҳам олиб боради. Унинг адабий ва илмий-атеистик темалардаги лекцияларини шаҳар меҳнаткашлари қизиқиб тинглайдилар.

О. Левак фотоси.

ЯНА БИР ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ

Тошкентдаги Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида хотин-қизлар соғлигини сақлаш ва гигиенаси университети очилди. Бу университетни снёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Октябрь район бўлими, шаҳар санитария маорифи уйи ва шаҳар маданият уйи биргаликда ташкил қилдилар.

Маданият университетининг 14 апрелда бўлган биринчи машғулотига район территориясида яшовчи хотин-қизлардан 250 га яқин киши қатнашди. Улар Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Р. Соатовнинг «Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқимиз соғлиғи тўғрисида ғамхўрлиги» ва Ф. Ғаффорованинг «Коммунистик жамият қуришда хотин-қизларнинг роли» деган темалардаги докладларини эътибор билан тингладилар.

Янги ташкил қилинган университетга уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар, корхона ва муассасаларда ишловчи хотин-қизлар зўр қизиқиш билан ёзилмоқдалар. Ҳозирнинг ўзида университетга қабул қилинганлар сони 200 кишига етай деб қолди.

Университетда ўқиш олти ойга мўлжалланган, машғулотлар ойига икки марта ўтказилади. Ўқув программасига «Гигиена ва санитария-соғлиқнинг гарови», «Юз ва сочни яхши сақлаш йўллари», «Болаларни қандай соғлом тарбиялаш керак», «Хотинлардаги рак касалининг олдини олиш ва даволаш», «Юракни қандай сақлаш керак» ва бошқа темаларда 25 дан ортиқ лекция киритилган. Машғулотларни пойтахтдаги тажрибали медицина ходимлари, жумладан профессорлардан М. Турсунхўжаева Н. Исмоилов, Х. Юнусова, доцентлардан А. Зоҳидов, Т. Қосимов, Г. Знёмхўжаева ва бошқа ўртоқлар олиб борадилар.

Университетни тамомлаган тингловчиларга программада кўзда тутилган машғулотлар ўтиб бўлингач, махсус шаҳодатнома берилади.

Н. ОМОНОВА.

УЗБЕКИСТОН УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТЛАР ВА ҚАФЕДРАЛАР

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Олий ва ўрта махсус таълим Давлат комитети республика университетларида янги факультетлар ва кафедралар ташкил этмоқда.

Навоий номидаги Ўзбек давлат университетида (Самарқанд) кимё факультети ташкил қилинмоқда. Бу факультет ўрта мактаблар учун ўқитувчилар ҳамда Ўзбекистон кимё индустриясининг янги корхоналари учун инженерлар тайёрлайди. Факультет ҳузурида полимерлар лабораторияси ишлайди, лаборатория кимёвий ишлаб чиқаришнинг энг актуал масалалари билан шуғулланади. Шунингдек, тарих-география факультети ҳам ташкил қилинади. Биокимё ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси очилади. Университет ҳузурида ботаника боғи барпо этишга қарор қилинди. Бу ерда студентлар кенг миқёсда илмий ишлар билан шуғуллана оладилар.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетида биокимё ва биофизика кафедраси очилади. Чорвачилик ва ўсимлик маҳсулдорлигини оширишда ядро физикаси ютуқларидан фойдаланиш лабораторияси ана шу кафедрага топширилади.

Янги факультет ва кафедраларнинг ташкил этилиши муносабати билан, университетга студентлар қабул қилиш анча кўпаяди ва аспирантлар икки баравар кўпроқ қабул қилинади.

(ЎзТАГ).

КИМЁВИЙ РЕАКТИВЛАР ВА ИЗОТОПЛАР ВИСТАВКАСИ

Ўтган жума куни В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг кимё факультети биносида «Союзреактив» трести кимёвий реактивлар ва изотоплар виставкасини очди. Виставкани ташкил этишда трестнинг Тошкентдаги конторасиҳам иштироқ этди. Виставка 13 бўлимдан иборат, унга 3200 та кимёвий реактив ва 800 номда изотоплар қўйилган.

Органик ва неорганик реактивларга виставкада кенг ўрин берилган. Хилма-хил экспонатлар кимёгар олимларимиз эришган ютуқларни яққол кўрсатиб турибди. Люминофорлар бўлими виставкани кўргани келганларда катта қизиқиш тугдирмоқда. Бу бўлимга Ленинграддаги «Красний химик» заводида тайёрланган турли люминофорлар қўйилган. Бу кимёвий реактивлар ҳозирда радио, телеэлектроника, кўчаларни ёритиш, театр декорациялари, соатсозлик ва бошқа соҳаларда қўлланилмоқда. Мазкур Изотоплар бўлимига қўйилган экспонатлар айниқса диққатга сазовордир. Бу ерда медицина, геология, биология, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилаётган ҳар хил изотопларни кўриш мумкин.

Бу ерда турли кимёвий реактивларни сотиш ва айрим реактивларга заказлар қабул қилиш ҳам ташкил этилган.

Кимёвий реактивлар соҳасидаги муваффақиятлар билан меҳнаткашларни, инженер ва олимларни таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу виставка экспонатлари бундан олдин Чехословакияда, Иттифоқимизнинг Ленинград, Киев, Свердловск ва Москва шаҳарларида ҳам намойиш қилинган эди. Виставка Тошкентда икки ҳафта очиқ бўлади.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Кўксига Ленин комсомоли значоги тақиб олган бу қизча Октябрь районидаги 41-мактабнинг 10-синф аълочи ўқувчиси Насима Расулевадир. Насима улуғ Ленин туғилган куннинг 90 йиллигини ўқишда аъло баҳолар билан кутиб олди. У фанлардан «5» олиб ўқиши билан бирга мактаб жамоат ишларида ҳам актив иштирок этади. Суратда: Насима Расулева.

Б. Мизрохин фотоси.

Сунъий чармдан

Тошкентдаги Эгар-жабдуқ фабрикаси коллективи маҳсулотнинг барча турлари бўйича ишлаб чиқариш планини доимо ортиғи билан бажариб келади. Ҳозир бу ерда 50 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда.

Шу кунларда фабрика коллективи ёз мавсуми учун буюмлар ишлаб чиқаришга киришди. Сунъий чармдан ясалаётган 8 хилдан ортиқ ихчам, сифатли аёллар сумкаси шулар жумласиндандир. Хилма-хил рангдаги бундай сумкаларни пойтахтимиз магазинларидан хотин-қизлар мамнуният билан сотиб олмоқдалар.

ФЕЛЬЕТОН

Хўжайин ва хўжайинчалар

Алихўжа овга чиқди, орқасидан говга чиқди деганларидек Худойберди Хайдаров ҳам қаерга борса ўша ерда бир ишкал, бир говга чиқаради. Ўзини ўғри ҳам, тўғри ҳам деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўғри деб бўлмайдики, ўғриликни бировнинг қўли билан қилади. Шунинг учун ҳам тўғри деб бўлмайдики, ўша ўғирланган нарсани паққос ўзи ейди.

Ана шу одам ўтган йили «Пискент» совхози директорлигидан шармандаю-шармисор бўлиб ҳайдалган эди. Шундан сўнг минг хил қасамлар ичиб Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозига раис бўлиб олди ва колхозчиларга:

— Сизларни бой қиламан — дея яна бир қасам ичди.

Чоршанба куни раснинг пискентлик аввалги хотини Шарофат опа хасрат бошлади.

— Дадаси, мана колхозга раис бўлиб ҳам олдингиз. Энди қизимизни узатсак ҳам бўлар.

— Қуллуқ, хоним...

Пайшанба куни раснинг Бўка район, Охунбобоев номли колхозда турувчи Муборак исмли хотини жанжал кўтарди.

— Мен ҳам қизимни узатаман!

— Қуллуқ, бўйдан.

Жўма куни эса раснинг учинчи хотини Зумратхон хархаша қила кетди.

— Икки ўғлимни бир кунда уйлантирмасам Зумрат отимни бошқа қўяман.

— Қуллуқ, жонгинам.

«Хайриятки, колхозга раис бўлиб олганман. Бўлмаса шунча тўйга маблағни қаёқдан олардим...» деб ўйлади Хайдаров ва узоқ қийналиб ўтирмай, шанба куни эрталаб ўз тобиъларини танганали кўрикдан ўтказди. «Маросимни» биринчи бўлиб омбор мудири Давлат Мадаминов бошлаб юборди:

— Касбинг нима? — сўради раис.

— Омборчиман хўжайин...

— Юрагинг дадилми?

— Агар буюрсангиз...

Қуш тилини қуш билади деганлари рост экан. Икковлари бирбирларини дарҳол тушуна қолдилар. Шу йўсинда бошқа омборчилар; Яхшибой Устемиров, Долама Хидоятлар ҳам кўрикдан оппосон ўтиб олдилар. Ферма мудири чумчуқдек юраксиз Расул Шукуров бўлса раисга рўбару бўлиши биланоқ:

— Товуқ гўшти биздан бўлади, хўжайин! — дея гап бошлади. Экспедитор Тиранбек Мирзаахмедов эшикда кўриниши билан раис тўнини тескари кийиб олди.

— Сен қамаласан, — деди раис дўқ уриб.

— Нега энди хўжайин?

— Бекободдан 24.600 сўмлик тунука, Қувасойдан 3800 дона шифер келтириб паққос еб юборгансан...

Экспедитор паккидек икки букилиб таъзим бажо келтирди ва мунгли товуш билан:

— Энди хўжайин, — дея сўз бошлади — мана яқинда ўзлари тўй қилмоқчилар... Ҳалигиндек, хизматларида бўлсам деган ниятларим бор эди, хўжайин...

Ҳайдаров ўйга толди. Экспедиторнинг сўзларини ўз тилига таржима ҳам қилиб кўрди.

— Ҳужжатни тўғрилаб қўй! — деди сўнгра оҳистагина.

Шундай қилиб раис ажойиб бир «оркестр» тузиб, ўзи унга бош дирижёр ҳам бўлиб олди. Энди у ўзи истаган куйни гоҳ фермада, гоҳ омборда, гоҳ шоли майдонларида ижро этиши мумкин. Шундай бўлди ҳам...

Катта хўжайин изидан борган кичик хўжайинчалар ҳам қараб туришмади; колхозда торт-торт, эл мулкини хомталаш қилиш авжга минди. Худди эртага ҳамма нарса тугаб қолаётгандек кимнинг қўлига нима тушса ана ўшани олиб қочар эди. 1-бригаданинг бошлиғи Баҳрол Маматов бош дирижернинг ишораси билан бригада аъзоларига йил давомида берилмаган иссиқ овқатни берилди, дея қалбаки ҳужжат тўғрилаб, пулини чўнтакка урди. Кассир А. Ғаффоров касаламанд бузоқчасини колхозга 4250 сўмга, Расул Шукуров 4875 сўмга пуллаб олишди. Партком Ҳамза Соатқулов ҳам қараб турмади. Райкомдан ойлик олгани ҳолда колхоздан ҳам ойлик ва меҳнат куни баҳоиаси билан 22.816 сўмни ўмариб кетди. Бу ҳақда жанжал чиққан эди, ўша пул эвазига иккита ўласи бузоқчасини кўндаланг қилиб тик туриб олди.

Бу орада Ҳайдаров ҳам бир эмас, учта гўйни шоҳона тантаналар билан ўтказиб юборди. Колхозинг уч омборчиси ана шу тўйларда белни маҳкам боғлаб шунақанги хизмат қилдиларки, асти қўяверасиз. Натижада Устемиров, Мадаминов ва Долама Ҳидоят қўлидаги омборлардан қанчадан-қанча маҳсулот қаёққадир гумдон бўлди. Қўрқоқ бўлсаларда Расулжон Шукуров ҳам кўп азамат эканлар. 12 бош қўй, 95 та товуқни ҳеч кимдан ҳайиқмай «тинчитиб» қўяқолдилар.

— Ҳужжат масаласи қалай? — сўради Ҳайдаров.

— Ҳужжат масаласи чатоқроқ, — жавоб берди Мадаминов.

— Қалбаки бўлса ҳам — йўл ўргатди раис — масалан, бировларнинг қўлини ўзларинг қўйиб бўлса ҳам ҳужжатни тўғриланглар. Текширгани келганлар кишилардан сен палон нарса олдингми деб сўраб ўтирмайдилар, сўрашга биз йўл қўймаймиз ҳам, лекин сизлардан ҳужжат қани деб албатта сўрайди...

— Бордию, сир фош бўлиб қолсачи? — сўради Шукуров.

— Фош бўлсак, нари борса биттадан виговор беришади.

Раиснинг бу жавоби ҳаммаларига маъқул тушди шекилли, бирданига кулиб юбордилар. Раис «ҳо-ҳо»лаб, омборчилар «хи-хи»лаб, ферма мудири бўлса оғзини очиб овоз чиқармасдан қорнини силкитиб кулар эди. Ҳозирча булар кулиб тураверсин, эндиги гапни бухгалтер Каюм Туропов ҳақида эшитинг. Туропов шу пайтда идорада чўт қоқиб, ўғирланган шолининг ўрнини қандай тўлдирсам экан деб бош қотириб ўтирибди. Ўғрилик чакана бўлган эмас. Янгийўл рисовойида Ким Лавериан орқали «XIX партсъезд» колхозининг рисовойида Ли Семен ва Ли Валентинлар ёрдамида тонна-тонналаб шоли оқланиб гумдон қилинган. Туроп акамиз ана шулар ҳақида ўйлар эди.

— Менга нима, ўзимни ўзим кийнаб, — деди у ниҳоят. — Пулнинг мўмайини олган раис акам ҳам бош қотирсинлар-да.

Шундай қилиб десангиз Ҳайдаров бошчилигидаги оррик-семиз хўжайинчалар шунақанги аҳиллик билан ва шунақанги ғайрат кўрсатиб ишладиларки, тез кунда колхознинг уч омбори ҳам қуп-қуруқ бўлиб, сичқонлар хасса таяниб қолди. Колхоздан «қарз» бўлмаган биронта ҳам колхозчи қолмади. Уларнинг номига фалон вақтда фалон нарса олган деб ҳужжатлар тўғрилаб қўйишди. Бу ҳол колхозчиларни қаттиқ ғазаблантирди. Улар ревизия чақиришди. Райинспекциянинг 18 декабрда юборган ревизори Неъмат Хўжаевни Ҳайдаров:

— Қани келган жойингизга жўнаб қолингчи — дея орқасига қайтариб юборди. Сўнгра ревизорнинг дарагини эшитиб бурчак-бурчакка қуён бўлиб кетган хўжайинчаларни тўплаб, насиҳат қила бошлади.

— Тинчланинг азизлар! Ревизияга йўл қўймайман. Бир амаллаб экиш даврига етиб олсак бас. Ундан кейин ревизия ҳақида гап очилса, ишга ҳалақит беради деб, тек туриб оламиз. Маъқулми?

— Маъқул — қарсак чалиб юборишди хўжайинчалар.

Мана энди, Худойберди Ҳайдаровнинг кимлигини билиб олгандирсиз. Унинг яна минг хил «хислатлари» бор. Бу «хислатлар» катта ревизиядан сўнг маълум бўлади.

Х. ТУХТАБОЕВ.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

БАНДУНГ РУҲИ ЯШАМОҚДА ВА ҒАЛАБА ҚИЛМОҚДА

Бундан 5 йил муқаддам — 1955 йил 18 апрелда Индонезиянинг Бандунг шаҳрида Осиё ва Африканинг 29 мамлакатидан вакил қатнашган тарихий конференция бўлиб ўтди. Бу конференция Осиё ва Африка мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётганлигини Шарқ халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг ўсганлигини кўрсатди.

Бандунг конференцияси иштирокчилари Шарқдаги миллионмиллион кишиларнинг иродасини ифодалаб империализмнинг мустамлакачилик системасини қоралаб ҳукм чиқардилар. Бу конференция мустамлакачиларнинг ёвуз ниятларига қақшатгич зарба берди. Якдиллик билан қабул қилинган «Умумий тинчлик ва ҳамкорлик ҳақида декларация» конференциянинг энг муҳим яқуни бўлди. Бу декларацияда «мустамлакачилик барча кўринишлари билан мудҳиш ҳодисадир, уни тезда тагтомири билан қуритиш керак», дейилади. Конференцияга тўпланган давлатлар вакиллари 1954 йили Хитой Халқ Республикаси билан Ҳиндистон бош министри ўртасида икки давлат ўзаро муносабатлари тўғрисида эълон қилинган қўшма баёнотда кўрсатилган беш принципни маъқулладилар. Территория бутунлиги ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш, ҳужум қилмаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш шартларидан иборат бўлган бу беш принцип ҳозирги кунда «панча шила» номи билан машҳурдир. Бу беш принцип давлатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришнинг гоят қулай қонунқоидаси сифатида тобора кенг тарқалмоқда.

Тарихий Бандунг конференцияси империализмга ҳамда мустамлакачиликнинг қайтадан тикланишига қарши Осиё ва Африка халқларининг ягона фронтини ташкил қилиш йўлида муҳим босқич бўлди. Бу конференциядан кейин ўтган йиллар мобайнида икки буюк қитъа халқларининг империализм ва мустамлакачиликка қарши фронти янада мустаҳкамланди, унинг сафлари тобора кенгайди. Бандунг ўрнатган дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, мустамлакачиликнинг барча кўринишларига қарши жанговар кураш руҳи Осиё ва Африка халқларининг бўлиб ўтган қатор йиғилишларида қайта-қайта ўз ифодасини топди.

1957 йил декабрь ойида чақирилган Осиё ва Африка мамлакатларининг бирдамлик конференцияси Шарқ халқлари ҳаётида яна бир йирик тарихий воқеа бўлди. Агар Бандунгда 29 мамлакатнинг давлат раҳбарлари ва арбоблари тўпланган бўлса, Қоҳирада Осиё ва Африканинг 45 давлатидан вакил иштирок этди. Бу ерда вакиллари йиғилган давлатларнинг ҳаётлари бугун инсониятнинг учдан икки қисмини ташкил этади. Қоҳира конференцияси Бандунг ғояларининг навбатдаги тантанаси бўлди. Конференция қабул қилган Декларацияда шундай дейилади: «Бизни бир туйғу — халқларимиз ўртасидаги бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик ҳамда халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш туйғуси бошқарди. Биз 1955 йил апрелда Бандунгда қабул қилинган принциплар халқаро муносабатларнинг асоси бўлиб қолиши керак, деб эълон қиламиз».

Бандунг конференцияси руҳини ўз қарорларида акс эттирган Қоҳира конференцияси империализмнинг мустамлакачилик системасига навбатдаги ўлим зарбасини берди.

«Империалистлар, Африкадан йўқол!», «Ҳозирги авлод ҳаёт вақтида мустақилликка эришамиз!» деган жанговар шиорлар остида Аккра ва Тунисда бўлиб ўтган Африка халқлари вакилларининг конференциялари ҳам бу улкан қитъа халқлари курашида ёркин саҳифаларни ташкил қилди. Бу конференцияларнинг қарорларида ҳам Бандунг конференциясининг машҳур принциплари, Бандунг руҳи ўзининг қонуний давомини топди.

Осиё ва Африка халқларининг юқорида айтиб ўтилган конференциялари ва ўзаро бирдамлик, мустамлакачиликка қарши кураш руҳида ўтган бошқа йиғилишлари мустамлакачилик асри тугаётганлигини, империализм мустамлака иморатининг сўнгги устуналари ҳам қулаш олдида турганлигини кўрсатади. 11 апрелда Гвинея Республикасининг пойтахти Конакрида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг навбатдаги конференцияси тантанали вазиятда очилди. Бу конференция ишларига Бандунг конференциясидан кейин мустақилликни қўлга киритган ва мустамлакачилик бўйинтуруғини ирғитиб ташлаган қатор янги Осиё ва Африка давлатлари иштирок этмоқдалар.

Ҳозирги кунда Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро миқёсда жуда йирик ва антив қучга айланиб бормоқда. Деҳли ва Қоҳира, Рангун ва Бағдод, Жакарта ва Аккра овози халқаро форумда тобора баландроқ янграмоқда. Энди бу овозга қулоқ солмасдан туриб, халқаро сиёсатга боғлиқ бўлган бирор масалани ҳал қилиш мумкин эмас. «Ғарб давлатлари, — деган эди Н. С. Хрушчев шу йил 21 февралдэ Джоньчкарта университетида сўзлаган нутқида, — фақат бир неча ғарб мамлакатларининг пойтахтларидагина, мустамлакачи давлатларнинг крейсерлари қувватига таяниб, бутун дунёни ўзларининг молиёвий исканжаларида ушлаб турган банкларнинг правленияларидагина жаҳон тарихи яратилади, деган хом хаёллар билан ўзларини юпатиб юрган замонлар ўтиб кетди. Тарихни бутун дунё халқлари яратади. Ҳозирги кунда бирор муҳим халқаро масалани Хитой, Ҳиндистон, Индонезия ҳамда Осиё ва Африкадаги бошқа давлатларни қатнаштирмай ҳал қилиш мумкинлигини тасаввур этиб бўладими, ахир?».

Машҳур Бандунг конференцияси ва унинг руҳи тантана қилган кейинги конференциялар қарорларига амал қилаётган Осиё ва Африка давлатлари ўзларининг ички ва ташқи сиёсатларида, тараққиёт сари қадам ташлашларида қатор муваффақиятларни қўлга киритдилар. Шарқ давлатларининг бундай ривожланишига бутун жаҳон прессида жамоатчилиги гоят зўр хайрихоҳлик билан қарамоқда, социалистик лагерь мамлакатлари, биринчи навбатда Совет Иттифоқи эса уларга қонкрет дўстона ёрдам кўрсатмоқда. Осиё ва Африканинг мустақил тараққиёт йўлига кирган Ҳиндистон ва Бирташган Араб Республикаси, Афганистон ва Индонезия, Цейлон ва Эфиопия, Камбоджа ва Непал, Бирма ва Ироқ ҳамда бошқа кўпгина мамлакатлари Совет Иттифоқининг техника ва иқтисодий ёрдамидан кенг суратда фойдаланмоқдалар. Совет Иттифоқининг актив ёрдами билан яқин йилларда иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган Шарқ мамлакатларида 200 дан ортиқроқ саноат корхоналари ва бошқа халқ хўжалиги объектлари қурилиши мўлжалланган. Шундан 95 таси 1960 йилда қуриб битказилади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бизга дўст бўлган Шарқи-жанубий Осиё мамлакатлари — Индонезия, Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистонга қилган тарихий визити Совет Иттифоқи тинчликсевар ташқи сиёсатининг ёркин ифодаси бўлди.

Б. МАННОНОВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да **Марварид қидирувчилар.** СССР халқ артисти **Саодат Қобулова** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Асад Азимов** қатнашади. 19/IV да **Дилором** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да кундуз **Гамлет**, 19/IV да **Ҳуррият**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да **Оқ нилуфар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ўзбек цирк артистларининг гастролларн.** Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

Шўх қайрилишлар (кенг экранли бадиий фильм) — «ВАТАН» (эрталаб соат 11-20 минут, кеч 5, 7, 10 ярим ва 12 да), «МИР» (кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8-20 минут ва 10 да).

Хўрлангаилар — «ВАТАН» (1 ва 2-серия кундуз соат 1 да, 2-серия кеч соат 9 да).

Чевар Марья — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 1 ярим ва кеч 5 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 11 ва кундуз 3 да), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кеч 5 ва 7 да).

Денгизчи соҳилга тушади — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 5, 9 ва 11 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 4 ва кеч 10 да).

Академик Морозов кўчаси, 58- уй, 1-квартирада турувчи **Василис Панаётис Рафайлидисниг** Дзержинский кўчаси, 27-уйда турувчи Анета Владимировна Зуевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 3- участка халқ судида кўрилади.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА

17 апрелда кечқурун

В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган спектакль

Кураш йиллари

3 бўлимда адабий-драматик композиция.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИДА

18, 21, 22/IV да кечқурун, 24/IV да кундуз ва кечқурун

В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб

қайтадан ишланган спектакль

Аҳмад Бобожон асари

Хоразм эртаси

4 парда, 9 кўринишли музикали драма.

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** ва **Л. Б. Степанов** музикаси.

Режиссёр — **Мирвали Миртолипов**, дирижёрлар — **Н. М. Гинзбург** ва **Гулом Тожиев**, рассом — **Г. А. Визель**, балетмейстерлар — СССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева** ва Ўзбекистон ССР халқ артисти **Розия Каримова.**

Бош ролларда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Сонб Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эътибор Жалилова, Рауф Болтаев, Рихси Шокиров, Соат Толипов** ва бошқалар қатнашади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136 Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040. 50. Секретариат — 34808, 115. Эълочлар бўлими — 28142.

Р. 02639. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1576.